O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

УШБУ СОНДА:

2 ЎҚИШ БОШҚА, УҚИШ БОШҚАМИ?

3 ГЕНОЦИД УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

СУД ПРЕЦЕДЕНТИ

4 Gerald R. FORD — Олқишларга муносиб инсон

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 32 (339)
2003 йил
12 август
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожатлар худди шу муддат мобайнида асолантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Фуқароларнинг мурожатларини ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур мурожатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг мурожатларини кўриб чиқаётган давлат органи зарур ҳолларда мурожаат жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак. Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди. Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 17-МОДДА.

Istiqlol va imkoniyat

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕМИННАТ НОНИ

Куни кеча мамлакатимиз деҳқонлари улкан хирмон — 5 миллион 100 минг тонна дон ҳосили етиштириб, ғаллачиликда мисли кўрилмаган натижага эришишди. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бу беқиёс зафар халқимиз ризқ-рўзини бутун қилиш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида бундан бир неча йил аввал ўзимизга белгилаб олган йўлимизнинг нечоғлик тўғри эканини яна бир бор кўрсатди.



Зеро, давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз вазиятни чуқур ўрганиб, халқимиз менталитетини инобатга олган ҳолда аҳолининг кенг истеъмол молларига бўлган талабини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш даражасини кескин оширишни иқтисодий сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан бири сифатида белгилаб берди. Чунки ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати биринчи навбатда, озиқ-овқат ва бошқа муҳим стратегик маҳсулотлар билан ўзини ўзи қай даражада таъмин этаётгани билан баҳоланади. Қайси мамлакатда ушбу масала ўз ечимини топган бўлса, ўша давлатда мустаҳкам иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик вужудга келади.

Халқимиз мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда озиқ-овқат муаммосини ўз имкониятларимиз ҳисобига ҳал қилиш, биринчи навбатда, дон мустақиллигини таъминлаш муаммоси юзага келди. Чунки ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатимиз ички истеъмол бозори тўлиқ ташқи бозорга қарам бўлиб, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол моллари учдан икки қисми хориждан олиб келинар эди. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган доннинг 80 фоизи четдан келтирилгани боис ҳар йили хорижий давлатлардан 5-6 миллион тонна дон сотиб олишга мажбур эдик. Натижада валюта ҳисобига хориждан сотиб олган молларнинг 73 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этар эди.

Таъкидлаш ўринлики, ҳаётнинг ўзи дон мустақиллиги бўйича юритилаётган сиёсатнинг нечоғлик тўғри эканини исботлади. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон дон мустақиллигига тўлиқ эришди. Биз нафақат ўз эҳтиёжларимизни тўлиқ таъминлайдиган, балки дон экспорт қиладиган давлатга айландик. Шу ҳисобига ҳар йили 400-500 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта тежаб қолинмоқда.

Маълумки, собиқ шўро даврида юртимизда ғаллачилик тармоқига "ўгай" соҳа сифатида қараб келинган. Агар 1990-91 йилларда Ўзбекистон бўйича ўртача атиги 940 минг тонна ғалла етиштирилган бўлса, ҳозир худди шундай 5-6 та хирмон яратилмоқда. Бундай кўрсаткичларга асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Ўша йиллари ғалла ҳосилдорлиги 17 центнердан ошмаган бўлса, ҳозир мамлакатимиз бўйича суғориладиган ерлардан ўртача 45 центнердан ҳосил йиғиб олмоқда. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 75,1 центнерга етди. Самарқанд, Наманган ва Фарғона вилоятларида ғалла ҳосилдорлиги 50 центнердан ошиб кетди. Кўплаб ширкат ва фермер хўжаликлари эса 80-100 центнердан хирмон кўтарди. Бундай натижаларга ўз ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Мамлакатимизда ғаллачилик бўйича янги мактаб яратилди. Айниқса, бошоқли дон экинларининг юқори ҳосилли, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли истиқболли навларини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бошоқли дон экинлари навларини доимий янгилаб бориш, хусусан, қурғоқчил минтақалар учун навли уруғлар етиштириш ва уларни навлар бўйича жойлаштиришга қаратилган катта изланишлар олиб борилди. Энг муҳими, деҳқонларнинг ерга бўлган муносабати ўзгарди, ўз меҳнатининг натижасидан моддий манфаатдорлиги ошди. Натижада Юртбошимиз таъкидлаганидек, **бугун барчамиз қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш нақадар улкан самара беришини ғаллачилик соҳаси мисолида яққол кўришимиз мумкин.**

Ўзбекистон — жаннатмакон юрт. Замини зар, суви гавҳар, қуёшга мўл бундай диёр дунёнинг бошқа ҳеч қайси жойида учрамайди. Юртимиз тупроғида битган мева, узум ва қовун-тарвузларнинг мазасини бир марта тотиб кўрган одам унга умрбод боғланиб қолади.

Биз ўзимиздаги мавжуд табиий бойликлар, минг йиллик тажрибага эга меҳнаткаш деҳқонларимиз тажрибасидан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришишимиз ва шу орқали халқимиз фаровонлигини янада кўтаришимиз мумкин. Буни ғаллачилик соҳасида эришган натижаларимиз яққол кўрсатиб турибди.

Авазбек СОДИҚОВ,
иқтисод фанлари номзоди

ХАЛҚИМИЗГА ҲАМ, ЎЗИМИЗГА ҲАМ ЕТАДИ

Яқинда фермер хўжалиги юмушлари билан Белоруссияга сафарга борганимда, қизиқ бир воқеа рўй берди. Минск шаҳридаги санаторийларидан бирига жойлашдим. Бир сафар санаторий ошхонасига киришим билан ёнгинамдаги қария ўрнидан туриб кетди. Унинг базўр ҳассасига таяниб бўлса-да, қаддини ростлагани, айниқса, мени ноқулай аҳволга солди.

— Э, отахон, нима қиляпсиз, жойингизга ўтиринг, — дедим хижолат тортиб.

— Олдин сиз ўтиринг, — деди ўзини Василь бобо деб таништирган отахон, — негаки, ўзбекни кўрсам, нонга тўйгандек бўламан. Уруш бошланганда 12 ёшли бола эдим. Поезда оч-наҳор Фарғонага етиб бордик. Бир тандир нонни кўриб шайтонлаб қолганман. Мустақил бўлиб, ғалла омборларингга сиғмай кетгани ростми? У ерда яшаб қолган танишлар шундай хабар беришади-да!

Бу юртимизда олиб борилаётган ғалла сиёсатига берилган холис баҳо эди. Бундан бир ғурурланган бўлсам, Минск аэропортида чет эл самолётлари билан бир қаторда турган бортига Ўзбекистон деб ёзилган ҳаво лайнерини кўрганда яна бир шодландим. 12 йил бекор ўтмабди. Биз дунёни, дунё бизни танигани яна бир бор ишондим.

Мусофирчиликда одам кўп нарсанинг қадрига етади. У ердаги ҳаёт билан биздагини таққослаб бўлмайди. У ёқларда ҳали ҳам узун-узун навбатга туришлар кўп экан. Ўтган кунимизга минг шукр, деб орқага қайтдим.

Ҳар йилгидагидай бу йил ҳам бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишладик. 20 гектар майдондаги буғдойзорни қуздаёқ ўғитга, сувга тўйдирганимиз иш берди. Ҳосил кутилганидан ҳам мўл бўлди. 110 тонналик дон хирмони уйилди. Ҳосилдорлик 55 центнерни ташкил этди. Бу аввалги йилдагидан 23 центнер, хўжалик бошқаруви билан тузилган шартномадагидан 16 центнер кўп демақдир. Натижада 6 миллиондан кўпроқ соф даромад олдик. Ҳар бир ишчининг даромади эса 250-300 минг сўмни ташкил этяпти.

Даромад бўлгандан кейин орзу-ҳавас ҳам, янги режалар ҳам пайдо бўлар экан. Яқинда банкдан кредит олдик. Ҳозирда юз бош қорамолга мўлжаллаб молхона қуришни тугаллаб, соғин сигир ва бўрдоқига боқиладиган зотдор новвосларни сотиб олаяпмиз. Ҳадемай ҳамқишлоқларимиздан яна 15 нафар кишини ишга оламиз. Яқин орада чорвачилик ҳам йилига камида 5 миллион сўмдан даромад бера бошлайди.

Фермер хўжалигимиз аллақачон хайрия ишларини ҳам бошлаб юборди. 400 та хонадонга тоза ичимлик суви учун қувур тортилди. Қорасийроқ ва Хўжа қишлоқларидаги артезиан сув қудуқлари қайта таъмирланди. Ҳудудимиздаги 14 ва 37-сонли мактабларни ҳам оталиғимизга олганмиз.

Буларнинг ҳаммасини истиқлол шарофати туфайли амалга ошириш имкони туғилди. Биз ана шундай юртимиздаги минг-минглаб ўз йўлини топиб кетган, юрт ишқида меҳнат қилаётган фермер хўжаликларидан биттасимиз, холос. Агар кучни бирлаштирсак, барча муаммони ечишга қодирмиз.

Малик КАРИМОВ,
Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, "Покиза-М" фермер хўжалиги раиси

Мен асли деҳқон оиласида туғилганман. Отам уруш ва ундан кейинги йилларда пахтачилик хўжалигига раҳбарлик қилган. Ерга бўлган қизиқиш ўша олис йилларда уйғонган бўлса, ажаб эмас. Шу туйғу таъсирида қишлоқ хўжалиги техникумини тугалладим, деҳқончилик хўжаликларида турли лавозимларда хизмат қилдим.

БУҒДОЙ АЙТАР ОМОН-ОМОН

Интилиб яшаш кишига ҳамиша қувонч бағишлайди. Шунга кўра, 1995 йилда чорвачиликка ихтисослаштирилган "Мақсуд" фермер хўжалигимиз ташкил этилди. Тадбиркорликнинг дастлабки йилида 30 бош шартли қорамолимиз бўлиб, 10 гектар ерда деҳқончилик қилдик.

Йиллар ўтган сари хўжалигимиз кенгая борди. 2002 йилда банкдаги айланма пулимиз 12 миллион 366 минг сўмни ташкил қилди. Топширган жами маҳсулотларимиз эвазига 3 миллион 950 минг сўм соф фойда олдик.

Президентимизнинг доно сиёсати шарофати билан бугун меҳнат қилган кишининг косаси оқарадиган замон келди. Бундай фаровонлик, тўкинликни собиқ шўро замонида ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Жорий йилнинг биринчи ярмида давлатга 50 тонна сут топширдик. Буғдой ҳосили ҳар қачонгидан мўл бўлди. Мамлакатимизнинг дон мустақиллиги шиорига жавобан фермер хўжалигимиз томонидан давлат ҳисобига 20 тонна буғдой сотилди. Режадан ортиқ миқдорда етиштириб, ички эҳтиёжларимиз учун сақлаб келаётган донимиз эса 30 тоннани ташкил этяпти. 3 тонна шоли тайёрлаб беришга аҳднома тузганмиз. Халқимизда, донимиз-нонимиз, деган гап бор. Дон бор жойда фаровонлик, тотувлик барқ уради.

Айни кунларда фермер хўжалигимизда 17 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг меҳнатга бўлган онгли муносабатлари туфайли фермер хўжалигимизда боқилаётган қорамоллар сони 140 тага етказилди. 80 та қўй-қўзимиз, сигиримиз бор. 30 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз. Бирор-бир техника турига муҳтожлигимиз йўқ.

Дўппини бошдан олиб, мундоқ хомчўт қилиб қарасак, фермер хўжалигимиз ташкил этилган йилдан буёғида 20 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрибмиз. Улкан меҳнат ютуқларимиз эвазига "Ташаббус-2000" ва "Ташаббус-2001" танловларида "Энг яхши фермер" йўналиши бўйича Ўзбекистон биринчилигида иштирок этдим. Шу йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган фермерлар қурултойида қатнашдим ва фермер хўжаликлари олдида турган муаммолар юзасидан сўзга чиқдим.

Қаранг, оддий бир ҳолат: Абай номидаги ширкат хўжалигининг биз истиқомат қилаётган мўъжаз овулида бирорта телефон нуқтаси йўқ. Овулга 1999 йилда ҳашар йўли билан табиий газ келтирганмиз. Аммо таассуфки, ёзнинг жазирама кунларида ҳам газ ўчоқларимизда милтиллаган олов кўринмайди. Фермерлик тараққиётига маълум даражада ғов бўлган бундай қусурлар ҳақида мутасадди раҳбарларга кўп бор мурожаат қилган бўлсак-да, бирор-бир натижа сезилмаяпти.

Яна шуки, биз яқиндагина ўзимиз етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш мажмуи қурилишини тугатдик. Уни батамом ишга туширишимиз учун анчагина маблағ керак. Бизга қонун талаблари асосида берилиши лозим бўлган қўшимча ер тўғрисидаги аризаларимиз эса ҳамон изсиз қоляпти.

Албатта, фермер хўжалигимиз олдида кўндаланг турган баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўйлайманки, бу муаммоларни ҳал этиш, эртанги ёруғ кун учун саъй-ҳаракат кўрсатиш ўз қўлимизда.

Энг муҳими, бугун ўз имкониятимни юзага чиқараман, ўзимни кўрсатаман, деган кишига барча имконият, шарт-шароит яратилган. Бундан оқилона фойдаланиш табиийки, муваффақиятга етаклайди.

Мақсуд ЙЎЛДОШЕВ,
Беруний туманидаги "Мақсуд" фермер хўжалиги раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ БАЁНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 18 июл куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган "2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида"ги маърузасидан келиб чиқадиган адлия идораларининг вазифалари тўғрисида

Ҳайъатда қайд қилиндики, ўтган 3 йил давомида Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда тадбиркорларни ноқонуний текшириш ҳолатлари камайди, уларни ҳокимликларда рўйхатга олиш ишлари яхшиланди, шартнома интизоми кучаймоқда. Хусусий мулк эгаларининг қонунларимизга бўлган ишончи ортиб боряпти. Ушбу мураккаб жараёнларда шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг аҳамияти катта. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, чет эл давлатларидан фарқли равишда, давлат томонидан тадбиркорларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда ва уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорларнинг адлия идораларига мурожаатлари сони ўтган йилга нисбатан икки бараварга ошган. Уларнинг 80 фоизи судларга даъво аризаси киритиш ва бошқа таъсир воситалари ёрдамида қаноатлантирилди. Худди шундай ҳуқуқий ёрдам хорижий инвесторларга ҳам кўрсатилмоқда. Ярим йил давомида адлия идоралари томонидан тадбиркорлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг манфаатини кўзлаб судларга 14,2 миллиард сўмлик 6583 та даъво аризаси киритилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига қараганда 2 баравар кўпдир. Шундан 2439 та аризалар бевосита 612 нафар мансабдор шахснинг чўнтагидан 159,5 млн. сўмлик етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришга қаратилган.

Адлия вазирлиги томонидан қонунчиликнинг ижроси юзасидан жойларда ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатадики, айрим давлат идораларининг раҳбарлари ҳанузгача тадбиркор фаолиятига аралашиш мумкин эмаслигини тушуниб етмаяпти. Ўтган ярим йилда Адлия вазирлиги томонидан 6 та вилоятда бозор ислоҳотларига оид қонунчиликка риоя этилиш амалиёти ўрганилганда, тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини бузилиши билан боғлиқ 117 мингдан ортиқ қонунбузилишлар аниқланган. Шу жумладан, 5 мингдан ортиқ ҳолатда тадбиркорларни рўйхатга олиш муддати ва тартибини бузиш, лицензия ва бошқа рухсатномалар олишда 1601 та қонунбузилиш, банклар томонидан 1017 та ҳолатда кредитлаш тартибини бузиш, 8532 та ноқонуний маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари, 103 та рухсатсиз текшириш, 802 та текшириш тартибини бузиш, 45 мингдан ошиқ шартнома интизомини бузиш ҳолатлари аниқланди (Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги 347-сонли қарори қабул қилингунча: тадбиркорларни рўйхатга олиш муддати ва тартибини бузиш, мисол учун 2001 йилда 73500 та қонунбузарлик аниқланган эди).

Ўрганиш натижаси бўйича мавжуд вазият чуқур таҳлил этилган ҳолда вилоят ҳокимликларига тақдимнома киритилган. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳар бир ҳолат, токи бузилган ҳуқуқлар тикланиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилгунга қадар адлия идоралари назоратида туради. Хусусан, адлия идораларининг талаби билан 1572 нафар мансабдор шахс, шу жумладан, 179 нафар ҳокимлик, 202 нафар тижорат банклари, 537 нафар назорат қилувчи идоралар ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди. Шундан 274 нафар айбдор мансабдор шахслар эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 141 мингта хўжалик ва 119 мингта ички хўжалик шартномалари ўрганилиб, адлия идораларининг талабига кўра 31 мингдан ортиқ шартномалар камчиликлари бартараф қилиш учун қайта туздирилди. Шунингдек, шартнома мажбуриятларини бажармаётган тарафларга адлия идораларининг ёрдами билан умумий миқдори 1,2 млрд. сўмлик 858 та талабномалар киритилди. Шартнома интизомини бузилишида айбдор бўлган тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг 501 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 96 таси вазифасидан озод қилинди.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўзларининг устун мавқеъдан фойдаланиб, шартномаларни бир томонлама ўз манфаатларини кўзлаб тузиш ҳамда фермерлар билан тузилган шартномавий мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслик ҳолатлари жуда кўплаб учраяпти. Хусусан, шартномалар тузишдаги ва уларнинг ижросини таъминлашдаги асосий камчиликлар "Пахтасаноат", "Донмаҳсулот", "Ўзбек ипаги", "Нефтмаҳсулотлари", "Қишлоқхўжаликкимё" ва "Агромашсервис" корхоналари фаолиятида аниқланди.

Шунинг учун адлия идораларининг асосий эътибори шартномавий муносабатларни, асосан қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги шартнома муносабатларини тартибга солишга, ушбу соҳада шартнома интизомини мустаҳкамлашга, шартномалар бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга қаратишлари лозим.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ҳал этилмаган муаммолар, тадбиркорларга нисбатан тўсқинлик ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни доимий содир қилиб келаётган, қонунни менсимайдиган айбдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш лозим.

Президентимиз кўрсатмасига асосан, Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил январь ойида 13 мингдан ортиқ тадбиркорлар орасида ўтказилган социологик сўров якунлари асосида республиканинг ҳар бир тумани ва тегишли идоралар миқёсида электрон маълумотлар базаси яратилди. Сўров натижалари барча туманларда ҳокимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари ва тадбиркорлар иштирокида кескин муҳокама этилди, мавжуд вазиятни тўғрилаш бўйича чоралар белгиланди.

Маълумотлар базасига Адлия вазирлигининг охирги 3 йил давомида ўтказган текшириш материаллари ва 2001 йилда ҳам тадбиркорлар орасида ўтказилган сўров натижалари жамланган. Бу эса, ҳар бир туманда қонунчиликка риоя этилиш ҳолатини, унинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил қилиш ва энг асосийси, йилдан-йилга мунтазам равишда такрорланиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузиб келаётган муайян мансабдорларни аниқлаш ва уларга нисбатан жиддийроқ ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш имконини бермоқда.

Адлия вазирлигида Хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва вилоят адлия бошқармаларида тегишли бўлимлар ташкил этилди. Ушбу тузилмалар малакали кадрлар билан таъминланиб, улар ўз хизмат вазифаларини бажаришга киришдилар.

Хорижий инвестицияларни амалга ошириш жараёнида вужудга келаётган муаммоларни батафсил ўрганиб чиқиб, уларни бартараф қилиш бўйича ҳукуматга зарур таклифлар киритилди.

Адлия вазирлиги қонунларнинг амалда ишлашини таъминлаш мақсадида бошқа қўшимча чора-тадбирларни ҳам қўлламоқда.

Лекин амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда тадбиркорларни ҳимоя қилиш масалаларида жойлардаги айрим адлия идораларининг ходимлари камчиликларга ва сусткашликка йўл қўйишяпти, улар мавжуд барча имкониятлардан тўлалигича фойдаланишмаяпти.

Жумладан, жойлардаги адлия бошқармаларининг 2003 йил 2-ярим йилликкка мўлжаллаб тузилган иш режалари ўрганиб чиқилганда, айрим адлия бошқармаларининг иш режаларини 2000-2002 йилларда Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган текширишларнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда тузилмаган. Бундай камчиликлар, Хоразм ва Андижон вилоят адлия бошқармалари фаолиятида содир этилган.

Айрим вилоят адлия бошқармаларида эса иш режаларининг ижроси таъминланмасдан келинмоқда. Фарғона, Сирдарё ва Тошкент вилоят адлия бошқармалари ўз иш режаларини ижросини тўлиқ таъминлашга эриша олмаганлар.

Келиб тушаётган ариза ва шикоятларни кўришда айрим адлия идоралари ходимлари томонидан сансоларликка солиниб ҳуқуқий тушунтириш бериш билан чекланиб қолмоқда. Бундай камчиликларга Тошкент шаҳар, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида кўпроқ йўл қўйилган.

Узоқ муддатлар давомида тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқмаслик ҳолатлари Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида учрайди.

Баъзи адлия бошқармалари томонидан "ишонч телефонлари" бўйича келиб тушаётган мурожаатларга ҳам эътибор етарли эмас. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ушбу фаолиятида талай камчиликка йўл қўйиб келинмоқда.

Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан айрим адлия бошқармалари томонидан тегишли идораларга киритилган тақдимномалар ижроси суст даражада олиб бориляпти. Хусусан, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан киритилган жами 59 тақдимномалар бўйича биронта ҳам айбдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилмаган. Навоий вилоятида ҳам солиққа оид 528 тадан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб 5 та тақдимнома киритилган бўлсада, ушбу соҳанинг айбдор мансабдор шахслари интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортилмаган.

Худди шундай қатъиятсизликка Бухоро, Сурхондарё, Наманган, Хоразм ва Қашқадарё вилоят адлия бошқармалари фаолиятида йўл қўйилмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан 2002 йилда Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган ўрганишлар юзасидан киритилган тақдимномаларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаганлиги ва сифатсиз маълумотлар тақдим этиб келаётганликлари сабабли, бугунги кунга қадар вазирлик назоратидан олинмасдан келинмоқда.

Айрим вилоят адлия бошқармалари ўта муҳим соҳалар ҳисобланган ҳокимлик, назорат қилувчи, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан содир этилаётган қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида судларга даъво аризаларини киритмаслик ҳолатларига йўл қўйяптилар. Хусусан, Андижон, Сирдарё, Хоразм ва Жиззах вилояти адлия бошқармалари ҳокимликлар, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари адлия бошқармалари солиқ ва бошқа назорат қилувчи идораларга нисбатан даъво аризаларини киритишда қатъиятсизлик қилишган.

Шунингдек, Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан ярим йил давомида фермер хўжаликларининг манфаатини ҳимоя қилиб атиги 6 та даъво аризаси судларга киритилган. Ваҳоланки, ўтган йилги текшириш давомида ушбу вилоятда шартномавий муносабатлар бўйича 3000 га яқин қонунбузарликлар аниқланган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судларга даъво аризалари киритиш ва уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириш суст даражада олиб бориляпти.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 18 июл куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган “2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида”ги маърузасидан келиб чиқадиган адлия идораларининг вазифалари тўғрисида

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Хусусан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ярим йил давомида судларга 79 та даъво аризаси киритган бўлсада, лекин улардан фақат 1 тасида тадбиркорга етказилган моддий ва маънавий зарарни айбдор мансабдор шахсларни чўнтагидан ундириб бериш тўғрисида масала қўйилган. Шунингдек, Навоий вилояти адлия бошқармаси ярим йил давомида судларга 669 та даъво аризаси киритган бўлсада, лекин улардан бор-йўғи 9 тасида тадбиркорга етказилган моддий ва маънавий зарарни айбдор мансабдор шахсларни чўнтагидан ундириб бериш тўғрисида масала қўйилган. Худди шундай қатъиятсизликка Жиззах ва Қашқадарё вилоят адлия бошқармаларида йўл қўйиляпти.

Шартнома муносабатлари бўйича Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорга етказилган моддий ва маънавий зарарни айбдор мансабдор шахсларни чўнтагидан ундириб бериш тўғрисида бironта даъво аризаси киритилмаган. Шунингдек, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ўтган йилдаги текширувлар бўйича ҳокимликлар томонидан 1000 дан ортиқ қонунбузилишлар аниқланган бўлса-да, фақат 1 та даъво аризасида етказилган зарарни солиқ идораси мансабдор шахси чўнтагидан ундириш масаласи ҳал қилинган.

Айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан киритилган даъво аризаларининг таҳлили шуни кўрсатаяптики, бошланган ишлар охиригача етказилмаган. Даъво аризаларини киритишда масалани охиригача ўрганмаслик ёки ишни якуни ва ижроси билан қизиқмаслик ҳолатлари, асосан, Қашқадарё, Хоразм, Наманган, Сурхондарё вилоят адлия бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятида учраяпти.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан контрактация ва хизмат кўрсатиш шартномалари юзасидан киритилган даъво аризаларининг таҳлили ҳам Бухоро, Навоий, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари адлия бошқармаларида бу борадаги ишларнинг қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатди.

Айрим вилоят адлия бошқармаларида ҳисоботларни юритиш ва уларни тақдим этиш қониқарсиз аҳволда. Бу фаолият бўйича ўз вазифасига совуққонлик билан қараш ҳолатлари Фарғона, Сурхондарё, Хоразм ва Наманган вилоятлари адлия бошқармаларининг фаолиятида учрайди.

Тадбиркорликка бўлган муносабатни ўзгартиришнинг таъсирчан усулларидан бири — оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ишларни, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қўлланилган чораларни кенг жамоатчилик эътиборига етказишдир.

Айрим адлия бошқармалари бошлиқларининг бу ишга бефарқлиги туфайли, тайёрланган лавҳалар белгиланган муддатда тақдим этилмаяпти. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент, Наманган ва Бухоро вилоят адлия бошқармалари ушбу масалада берилган топшириқларни ўз вақтида бажармаяптилар.

Юклатилган топшириқларни ижросини таъминлашда вилоят ҳокимликлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ишларни олиб бориб, мавжуд ваколатлардан, ходимлар имкониятидан оқилона фойдаланиш айниқса муҳимдир.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича иш самарадорлигини ошириш ҳамда адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларни таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **“2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида”**ги маърузасида белгиланган кўрсатмалар ижро учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармаларига ўз иш фаолиятларини мавжуд муаммолар, тушган аризалар, ўтказилган текширишлар, сўровлар таҳлилидан келиб чиқиб режалаштиришлари ва тасдиқланган иш режалари тўлалигича ижро этилиши шартлиги кўрсатиб ўтилсин.

2.1. Хоразм **(О.Каримов)** ва Андижон **(Р.Имомов)** вилоят адлия бошқармалари **бир ҳафта муддатда** 2003 йил 2-ярим йил учун мўлжаллаб тузилган иш режаларини 2000-2002 йилларда Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган текширишларнинг таҳлили асосида қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин ва вазирликка тақдим этсин.

2.2. Фарғона **(Т.Сўпиев),** Сирдарё **(Х.Файзиев)** ва Тошкент **(Б.Атаматов)** вилоят адлия бошқармалари 2003 йил 1-ярим йил учун мўлжалланган иш режалари ўз вақтида бажарилмаганлиги сабаблари бўйича **бир ҳафта муддатда** вазирликка ахборот берсин.

2.3. Жиззах **(Х.Йўлдошев)** ва Навоий **(А.Холмўминов)** вилоят адлия бошқармалари келгуси иш режаларини тузишда мазкур вилоятларда ноқонуний текширишлар кўпроқ содир этилганлигига эътибор қаратсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармаларида фуқаролардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни белгиланган муддатларда тўлиқ кўриб чиқилиши ҳамда қонуний ҳал қилиниши бўйича шахсан **бошқарма бошлиқлари масъул** этиб белгилансин.

3.1. Тошкент шаҳар **(К.Камилов)**, Сирдарё **(Х.Файзиев)**, Тошкент **(Б.Атаматов)** ва Фарғона **(Т.Сўпиев)** вилоят адлия бошқармалари тадбиркорлардан келиб тушаётган аксарият ариза ва шикоятларга ҳуқуқий тушунтиришлар бериш билан чекланиб, ҳар бир мурожаат бўйича текширув ишларини охиригача олиб бормаётганлиги кўрсатиб ўтилсин. Тадбиркорларнинг мурожаатлари бўйича уларга амалий ёрдам беришни таъминлашга доир барча зарур чоралар кўрилсин.

3.2. Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси **(Ч.Аллаёров)** Узун туманидаги “Навбаҳор” фермер хўжалигининг ер майдонини ажратиш хусусидаги аризасини қаноатлантирилмаганлик ҳолати юзасидан, Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси **(F.Сафаров)** Қарши шаҳридаги “Кўмак” хусусий фирмасининг шаҳар ҳокимлигининг ноқонуний аралашувидан норози бўлиб ёзган аризалари бўйича хизмат текшируви ўтказиб, **бир ҳафта муддатда** вазирликка ахборот берсин.

3.3. Тошкент **(Б.Атаматов)**, Қашқадарё **(F.Сафаров)**, Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)** ва Жиззах **(Х.Йўлдошев)** вилоят адлия бошқармалари тадбиркорларнинг мурожаатларини узоқ муддат давомида кўриб чиқмаслик ҳолатларини таҳлил қилиб, унинг сабаблари бўйича **бир ҳафта муддатда** Адлия вазирлигига ахборот берсин.

Ариза ва шикоятлар билан ишлаш фаолиятини тубдан ўзгартиришни назорат қилиш Вазир ўринбосарлари **И.Абдуллаев** ва **Х.Содиқов**га юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги **(Д.Холмуратов)**, Фарғона **(Т.Сўпиев)**, Қашқадарё **(F.Сафаров)** ва Хоразм **(О.Каримов)** вилоят адлия бошқармаларида “ишонч телефонлари”га келиб тушаётган мурожаатларни қаноатлантириш даражаси етарли эмас деб топилсин ва бошқарма бошлиқлари ушбу ҳолатларни ўрганиб чиқиб, **икки ҳафта муддатда** ахборот берсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармалари бошлиқлари “Ишонч телефони хизмати ва келиб тушган маълумотлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиқлари **(Д.Матрасулов, Ш.Саидов ва А.Тошқулов)** “Ишонч телефони” бўйича назоратни кучайтирсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармалари Адлия вазирлиги томонидан охирги уч йил давомида киритилган тақдимномаларни чуқур таҳлил қилсинлар. Бунда алоҳида йўналишлар ва туманлар микёсида муаммоларни ажратиб, доимий равишда қонунбузар мансабдор шахсларнинг ҳисобини олиб боришни йўлга қўйсинлар. Муттасил равишда қонунни менсимай келаётган мансабдорларга нисбатан қатъий таъсир чоралари кўрилсин.

Муддат: икки ой.

5.1. Хоразм **(О.Каримов)** ва Қашқадарё **(F.Сафаров)** вилоят адлия бошқармалари Адлия вазирлиги томонидан 2002 йилдаги ўрганишлар юзасидан киритилган тақдимномаларнинг тўлиқ ижросини таъминлаб, вазирликка **ўн кун муддатда** ахборот берсин.

5.2. Сирдарё **(Х.Файзиев)**, Навоий **(А.Холмўминов)**, Бухоро **(Ф.Низамов)**, Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)**, Наманган **(Э.Иноятов)** ва Қашқадарё **(F.Сафаров)** вилоят адлия бошқармалари томонидан ҳокимлик ва бошқа назорат қилувчи идораларга киритилган тақдимномаларнинг ижросини таъминлаш аҳволи қониқарсиз деб топилсин, айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини таъминлаш чоралари суст олиб борилаётганлиги қайд этилсин. Бу борадаги ишлар қайта кўриб чиқилсин ва **бир ой муддатда** вазирликка ахборот берилсин.

5.3. Тошкент вилоят адлия бошқармаси **(Б.Атаматов)** Ангрен шаҳар ИИБ ёнғинга қарши кураш бўлими ходимлар томонидан “Лирик” кичик корхонасида ўтказилган ноқонуний текшириш юзасидан киритилган тақдимноманинг ижросини таъминласин, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортилишини назоратга олсин. Кўрилган чоралар юзасидан **бир ҳафта муддатда** ахборот берсин.

Ушбу топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш вазирликнинг бошқарма бошлиқлари **(Д.Матрасулов, Ш.Саидов** ва **А.Юсупов)** зиммасига юклатилсин.

6. Аввалги ҳайъат қарорларида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судларга даъво аризалари киритиш ва етказилган моддий ва маънавий зарарларни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириш бўйича ишлар жонлантирилиши топширилганига қарамасдан, бу борада айрим адлия бошқармалари муросасозликка берилиб, сустқашликка йўл қўяётганликлари таъкидлансин.

6.1. Андижон **(Р.Имомов)**, Жиззах **(Х.Йўлдошев)**, Сирдарё **(Х.Файзиев)** ва Хоразм **(О.Каримов)** вилоят адлия бошқармаларидан ҳокимлик идораларида, Навоий **(А.Холмўминов)**, Бухоро **(Ф.Низамов)**, Самарқанд **(А.Мардиев)**, Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)**, Қашқадарё **(F.Сафаров)** ва Тошкент **(Б.Атаматов)** вилоят адлия бошқармаларидан солиқ ва бошқа назорат қилувчи идораларда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида судларга даъво аризалари киритиш ишларини кучайтириш талаб этилсин ва бу ҳақда **икки ой муддатда** Адлия вазирлигига ахборот берилсин.

6.2. Тошкент шаҳар **(К.Камилов)**, Навоий **(А.Холмўминов)**, Жиззах **(Х.Йўлдошев)**, Қашқадарё **(F.Сафаров)**, Хоразм **(О.Каримов)** ва Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)** вилоят адлия бошқармалари томонидан тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни бевосита айбдор мансабдор шахсларни чўнтагидан ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритиш ишлари суст даражада эканлиги кўрсатиб ўтилсин ва бу борадаги фаолиятларида кескин ўзгариш қилиш талаб қилинсин.

Муддат: икки ой.

Ушбу топшириқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирликнинг бошқарма бошлиқлари **Д.Матрасулов** ва **Ш.Саидов** зиммасига юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги **(Д.Холмуратов)** Қашқадарё **(F.Сафаров)**, Хоразм **(О.Каримов)**, Наманган **(Э.Иноятов)**, Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)** вилоят адлия бошқармалари фаолиятида даъво аризаларини киритишда масалани охиригача ўрганмаслик, ишни якуни ва ижроси билан қизиқмаслик ҳолатлари мавжудлиги қайд этилсин.

7.1. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармалари **бир ой муддатда** адлия идоралари томонидан тадбиркорлар фойдасини кўзлаб киритилган, лекин қаноатлантирилмаган ва кўрмай қолдирилган ҳамда юқори инстанцияларда бекор қилинган ишлар юзасидан маълумот тузиб, ахборот берсин.

Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиқлари **Д.Матрасулов** ва **Ш.Саидов икки ҳафта муддатда** таҳлил натижаларини умумлаштириб, тегишли таклифлар тайёрласин.

Бундай салбий ҳолатларнинг такрорланмаслиги, адлия идоралари томонидан тайёрланган ҳар бир материал юридик жиҳатдан бенуқсон ва мукаммал бўлиши учун жойлардаги адлия бошқармаларининг бошлиқлари шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармалари **бир ой муддатда** фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судлари томонидан тадбиркорларни жавобгарликка тортиш бўйича қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиб, натижалари бўйича ахборот берсин.

Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва таклифлар тайёрлаш вазирликнинг бошқарма бошлиқлари **Д.Матрасулов** ва **Ш.Саидов** зиммасига юклатилсин.

Муддат: бир ой.

8.1. Наманган вилоят Косонсой туманидаги “Нам-Кон” хусусий фирмаси раҳбари мурожаати асосида вилоят адлия бошқармаси томонидан Андижон туманлараро фуқаролик судига киритилган даъво аризаси 4 ой мобайнида кўрилмаётганлиги сабаблари аниқланиб, **бир ҳафта муддатда** натижаси бўйича ахборот берилсин.

Масъул: А.Юсупов.

8.2. Жиззах вилоятида туман ҳокимликлари томонидан киритилган ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризалари вилоят хўжалик суди томонидан фермерларнинг иштирокисида кўриб чиқилиб, 538 та фермернинг ер участкасини тортиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳолати вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилсин ва ушбу фермерларни бузилган ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича кўрилган чоралар ҳақида **бир ой муддатда** ахборот берилсин.

Масъул: Ш.Саидов.

9. Фарғона вилояти Бағдод тумани ҳокими Ш.Солижоновнинг топшириғига асосан туман ИИБ ходимлари томонидан асоссиз равишда айрим фермер хўжаликлар раҳбарлари ва аъзолари ушлаб турилганлиги ҳолати юзасидан Фарғона вилоят адлия бошқармаси **(Т.Сўпиев)** қатъий чоралар кўрсин. Тадбиркорларга зўравонлик қилаётган ҳокимлар ва мансабдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлиги таъминлансин.

Бу масала бўйича марказий телевиденияда танқидий лавҳа бериш **С.Рахимов**га юклатилсин.

Ушбу факт юзасидан хизмат текширувини ўтказиш Вазир ўринбосари **Х.Содиқов**га юклатилсин ва натижаси бўйича Вазирга ахборот берилсин.

Муддат: бир ҳафта.

10. Фарғона **(Т.Сўпиев)**, Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)**, Хоразм **(О.Каримов)** ва Наманган **(Э.Иноятов)** вилоят адлия бошқармаларида ҳисоботларни тақдим этиш қониқарсиз аҳволдалиги кўрсатиб ўтилсин.

10.1. Белгиланган ҳар бир ҳисобот ва ундаги маълумот учун жойлардаги адлия бошқармалари бошлиқлари шахсан жавобгар бўлади ва ҳисоботлар фақат уларнинг имзоси билан қабул қилинади.

Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси **(А.Юсупов)** ушбу масалани қаттиқ назоратга олсин.

11. Оммавий ахборот воситаларида берилаётган айрим лавҳаларнинг сифати ва таъсирчанлиги етарли даражада эмаслиги, бир хил мавзудаги лавҳаларнинг такрорланиши, жазо чораларини айбдор шахснинг ҳаракатига мувофиқ эмаслиги, ҳуқуқий жиҳатдан хатоликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бу борада аҳволни тубдан яхшилаш чораларини кўрсин, тайёрланган лавҳаларни белгиланган муддатларда тақдим этиб борилишини таъминласин.

Ушбу топшириқнинг ижросини **доимий** назорат қилиш Вазир ўринбосари **П.Саматов** ва бошқарма бошлиғи **С.Раҳимов**га юклатилсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари намунавий ширкат хўжаликлари фаолиятини қайтадан ўрганиб чиқсинлар. Бу борадаги топшириқларнинг ижроси сўзсиз таъминланиши лозим.

Жиззах **(Х.Йўлдошев)**, Сирдарё **(Х.Файзиев)**, Бухоро **(Ф.Низамов)** ва Навоий **(А.Холмўминов)** вилоят адлия бошқармалари намунавий ширкат хўжаликларида юзага келган аҳволни яхшилаш масаласини ҳал қилсин. **(Муддат икки ой).**

Масъул: Ш.Саидов.

13. Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Жиззах вилоят адлия бошқармаларида фермер хўжаликларини ҳимоя қилиш бўйича юклатилган топшириқлар ижроси қониқарсиз деб топилсин ва бошқарма бошлиқлари **(О.Каримов, Ф.Низамов, А.Холмўминов, F.Сафаров, Х.Йўлдошев)** кўрсатиб ўтилган камчиликлар йил охирига қадар бартараф этилмаса, **эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши ҳақида огоҳлантирилсин.**

14. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармалари бошлиқлари:

ҳокимликлар қошидаги тадбиркорларни рўйхатга олиш бўлимлари билан ҳамкорликда янги тузилган тадбиркорларни “Текширишларни рўйхатга олиш китоби” билан таъминлаб бориш ишларини ташкил этсинлар;

тадбиркорлар рўйхатдан ўтгандан кейин турли тўсиқларга, жумладан лицензия олиш, ер ажратиш, кредит олиш, архитектура ва бошқа идоралардан рухсат олиш, газ, электр энергия ва сув тармоқларига уланишларида кўп вақт ва маблағ сарфлашга мажбур бўлаётганлиги ҳолатларини режа асосида чуқур таҳлил қилиб, вилоят даражасида тартибга солсинлар;

тадбиркорларнинг маблағини ноқонуний жалб қилиш ҳолатларига қарши ишни кучайтирсинлар. Адлия бошқармалари бошлиқлари ушбу масала бўйича навбатдаги ҳайъат мажлисида йил якунлари бўйича алоҳида ҳисобот бериши кўрсатиб ўтилсин;

вазирлик топшириғи бўйича **белгиланган муддатда** “Ўзстандарт” агентлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг жойлардаги идоралари фаолиятини таҳлил қилсинлар ва қонунни бузаётган мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар тўғрисида ахборот берсинлар;

фермер хўжаликларига маҳсулот етиштириш учун аванс маблағларининг **траншлар** орқали тўланиш аҳволини чуқур ўргансинлар. Бунда, траншлар орқали маблағларни зарур бўлмаган йўналишларга ўтказиш натижасида фермерларнинг ўз вақтида керакли моддий ресурслар ҳамда хизматлар билан таъминлана олмаётганига, уларнинг маблағлари асоссиз равишда айрим хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар ҳисоб рақамларида узоқ вақтлар давомида ҳаракатсиз туриб қолиши ҳолатларига **алоҳида эътибор қаратилсин.**

2002-2003 йиллардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга қўлланилган барча турдаги жарималарнинг қонунийлигини ўрганиб чиқиб, ноқонуний қўлланилган жарималарни бекор қилдириш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида **икки ой муддатда** ахборот берсинлар;

“Ўзбек ипаги” холдинг компанияси тизимидаги корхоналар томонидан шартнома интизомига риоя этилишини ўрганиб чиқиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий чоралар кўрсинлар ва натижалари ҳақида **икки ой муддатда** ахборот берсинлар;

“Ўзпахтасаноат”, “Ўздонмаҳсулот” уюшмалари, “Ўзагромашсервис”, “Ўзнефтмаҳсулот” ва “Ўзқишлоқхўжаликкимё” акциядорлик бирлашмаларининг жойлардаги корхоналари томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажарилишини мунтазам равишда ўргансинлар. Улардаги мавжуд қарздорликларни тугатилиши, ушбу монопол ташкилотлар томонидан шартнома интизомига риоя этилишини **доимий** назоратга олсинлар.

Ушбу банднинг ижросини назорат қилиш бошқарма бошлиқлари **Д.Матрасулов, Ш.Саидов** ва **А.Юсупов**га юклатилсин.

15. Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳимоя қилиш адлия идораларининг энг асосий вазифаларидан бири деб белгилансин. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги 205-сонли қарорида белгиланган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиш чоралари кўрилсин.

15.1. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармалари хорижий инвесторлар билан боғлиқ барча жиноят ишларни чуқур ўрганиб чиқсин ва натижалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаб, **уч ой муддатда** вазирликка тақдим этсин.

Ушбу топшириқнинг доимий ижросини назорат қилиш бошқарма бошлиғи А.Тошқуловга юклатилсин.

15.2. Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси **(А.Тошқулов)** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармалари билан биргаликда вилоятлардаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларни **икки ой муддатда** ўрганиб чиқсин ва ҳар бир корхона бўйича мониторинг юритиш тартибини йўлга қўйсин.

Қилинган ишлар бўйича 1 ноябрга қадар Вазирга ахборот берилсин.

16. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти суд қарорларини қисқа муддатда ва тўлиқ бажарилишига асосий эътиборни қаратсин.

16.1. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкларни сотиш ва ҳисобини олиб бориш, шу жумладан автомототранспорт воситаларини ким ошди савдолари орқали сотишда ҳамда муддатида тўланмаган солиқлар ва мажбурий тўловларни (боқиманда қарзларни) ундириш бўйича суд қарорларини ижро этишда, бу борада қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва Адлия вазирининг буйруқлари талабларини сўзсиз ижро этилиши таъминлансин.

Департаментнинг Тошкент шаҳар, Сирдарё, Навоий, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаларида боқиманда қарзларни ундириш ишлари сустлиги кўрсатиб ўтилсин ва бу борадаги фаолият кучайтирилсин.

Департамент директори **(Э.Қудратов)** ушбу топшириқни **доимий** назоратга олсин ҳамда **ҳар чоракда** ахборот бериб борсин.

16.2. Департаментнинг Сирдарё ва Наманган вилоят ҳудудий бўлимларининг иш фаолияти қониқарсиз деб топилсин. Департамент директори **(Э.Қудратов) бир ой муддатда** мазкур вилоятлардаги аҳволни ўрганиб чиқиб, ахборот берсин.

16.3. Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида фаолият кўрсатиб келган 21 нафар тадбиркор фойдасига ҳал бўлган вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ижро қилинмасдан келинаётганлиги факти бўйича вилоят адлия бошқармаси ва департаментнинг ҳудудий бўлими **(F.Сафаров, З.Абраев) бир ҳафта муддатда** ахборот берсин.

Масъул: Э.Қудратов.

17. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази **(Н.Норпўлатов) бир ой муддатда** заҳирада турган мутахассисларни ўқитиш бўйича махсус ўқув дастури ишлаб чиқсин. Бу дастурда Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларини ва мавжуд сиёсий, ижтимоий, иқтисодий аҳволни чуқур ўрғатиш назарда тутилсин.

Ушбу топшириқни назорат қилиш Вазир ўринбосари **П.Саматов** ва бошқарма бошлиғи **С.Раҳимов**га юклатилсин.

18. Ушбу ҳайъат қарори вазирлик марказий аппарати ва жойлардаги бошқармалар, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлимлари ҳамда Адлия вазирлиги тизимидаги бошқа барча тузилмаларга ижро учун юборилсин.

19. Ҳайъат қарорининг бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирининг биринчи ўринбосари **И.Абдуллаев** зиммасига юклатилсин.

Мазкур ҳайъат қарорининг ижроси доимий равишда Вазир ҳузуридаги тезкор йиғилишларда кўриб чиқилсин.

Ҳайъат раиси,

Адлия вазири

А.А. ПОЛВОН-ЗОДА

2003 йил 1 август № 2 Тошкент шаҳри

Ajab savdolar

ЎҚИШ БОШҚА, УҚИШ БОШҚАМИ?

Марҳамат туманидаги “Тошматов” номидаги фермер хўжалиги 1995 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Аслида фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлса-да, кейинчалик фермер эл-юртга кўпроқ нафим тегсин, дея деҳқончилик билан ҳам шуғуллана бошлади. Ўтган 2002 йилда ҳам “Асака дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти билан 1-репродукцияли уруғлик буғдой етиштириб бериш ҳақида 128-сонли ҳамда квотадан ташқари 2 тонна буғдой етиштириб бериш ҳақида 102-сонли контрактация шартномалари тузиб, 4,6 гектар ер майдонига буғдой экган эди.

Буғдой униб чиқиб, ниҳоллар кўк майса бўлган пайт, аниқроқ айтганда, 2002 йилнинг 24 ноябрида фермернинг даласида баҳор осмонини кутилмаганда, қора булут қоплаганидек, бир гуруҳ кишилар пайдо бўлди ва ерларни ўлчашга тушишди. Фермер Мўминжон Тошматов буни кўриб, ҳайрон бўлди. Чунки унинг бундай текширишдан мутлақо хабари йўқ эди. Кейинчалик маълум бўлдики, «ҳе йўқ, бе йўқ», келиб ер ўлчаётганлар “кичкина” одамлар эмас экан. Марҳамат туман ҳокимлиги давлат назорати бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Ҳомидов, туман шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Акромжон Зиёвуддинов, туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Равшан Мирзаахмедов ва “Маданият” кооперативи раиси Қодир Абдурахмоновлар фермер хўжалигининг ерларини ўлчаб, 0,5 гектар (50 сотих) майдондаги униб чиққан буғдойни дизел билан ҳайдатиб, буздириб ташлашди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, нега ризқ-рўзимиз бўлган ярим гектар майдондаги буғдой буздириб ташланди?! Мазкур гуруҳ раҳбари, Марҳамат туман ҳокимлиги давлат назорати бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Ҳомидов буни қуйидагича изоҳлайди:

“Марҳамат тумани ҳокими ҳузурида ўтказилган йиғилишда 2002 йил ноябр ойида буғдой экишни назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Ишчи гуруҳ вазифасига ҳар бир фермер хўжалигининг қанча буғдой экканини ўрганиб чиқиш юклатилган. Ўрганиш якунига кўра туман ҳокимининг қарорида белгиланганидан ортиқча экиб олган фермер хўжаликларини ортиқча ер майдонларини бузиш тўғрисида туман ҳокими топшириқ берган. Шунга биноан ортиқча буғдой экиб олган фермер хўжаликлари, шу жумладан, М.Тошматов фермер хўжалигининг ортиқча ери комиссия аъзолари (мен, А.Зиёвудднов ва Р.Мирзаахмедовлар) иштирокида 2002 йил ноябрда бузилган. Бу фермернинг ери ўлчанганда 50х50 ерга буғдой экиб олгани аниқланиб, ортиқча 0,80 гектар ер тўлиқ бузилмай, 0,30 гектар ер номига бузилган, холос. Ҳозирда бу буғдой яна ривожланиб ўз ўрнида турибди”.

Бу ҳали ҳаммаси эмас.

2002 йил ноябр ойининг охирларида комиссия аъзолари У.Қорабоев номидаги ширкат хўжалиги томонидан “Олтин бошоқ”, “М.Тошматов”, “Она замин” фермер хўжаликларида ҳам шундай антиқа тадбир амалга оширилган.

Табиийки, бундай ўзбўларчиликдан фермер хўжаликларига катта моддий ва маънавий етказган. Фермер Мўминжон Тошматовнинг вилоят адлия бошқармасига ёзган аризасини ўрганиш давомида туман ҳокимлиги комиссияси аъзолари **“Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонуннинг 13-40-моддалари, **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”**ги қонуннинг 5-7-9-16-17-моддалари, Президентимизнинг **“Текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”**ги Фармони талаблари қўпол равишда бузилиб, фермер хўжалиги фаолиятига ноқонуний аралашилгани, ноқонуний текшириш ўтказилиб, ер майдонлари нотўғри ўлчанганлиги аниқланди.

Шундан сўнг даъво ариза киритилиб, иш фуқаролик ишлари бўйича судга оширилди.

Албатта, эртага айбдорлар судда жавоб бериб, даъво аризасида кўрсатилган 250 минг сўм моддий зарар, 1 миллион сўм маънавий зарар ҳам ундирилади. Лекин бир нарса кишини қаттиқ таажжубга солмай қолмайди.

Гап шундаки, Марҳамат тумани ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари наҳотки мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилувчи қонунларни ўқимаган бўлса?! Ёки ўқиш, уқиш бошқа амал қилиш бошқа, деб шунга айтишганми? Эҳтимол, бу қонунни билиб туриб менсимасликдир. Ҳар нима бўлганда ҳам, фермернинг қонуний манфаатларига жиддий путур етказилган. Бу воқеани тегишли мутасаддилар яна бир карра ўрганиб, хулоса чиқариб олишади, деган умиддамиз.

Абдурашид АБДУҚАҲҲОРОВ,
ҳуқуқшунос,
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири



Ерга меҳр-мурувват кўрсатган одамга она замин ҳам саҳоватини аямайди. Бундан ташқари, ернинг яхши-ёмони бўлмайди, фақат деҳқон унинг тилини билиб муомала қилса, бас. Биз ҳам бу йил об-ҳавонинг ноқулайликларига қарамай, 5 гектар майдонда ғалла экиб, яхши ният билан меҳнат қилдик.

АЁЛ ТАШАББУСИ

Шукурки, меҳнатларимиз зое кетмади. Ҳар гектар ердан 50 центнердан буғдой етиштириб, хирмонга тўкдик. Тоғдай хирмонни кўриб, кўнглимиз ҳам тоғдай кўтарилди. Чунки аёл фермерлар орасида туман бўйича энг юқори ҳосил етиштирдик. Оз эмас, кўп эмас, фермер хўжалигимиз ихтиёрида 10 тонна дон қолганлиги бизни қувонтирди. Бу йил катта тўйни, яъни фарзандимизни уйлантиришни ният қилган эдик. Энди қарз ҳам олмаймиз — бозор-ўчарга югуриб ҳам юрмаймиз, ҳамма нарса ўзимиздан чиқади.

Шуни айтишим керакки, манфаатдорлик бор жойда қут-барака бўлади. Ахир, ўйлаб кўринг: атиги 12 йиллик мустақиллик даврида жуда катта ютуқларга эришдик. Биз тамоман бошқа одамга айландик. Нега деганда, ўзинг етиштирган ҳосилга ўзимиз эга бўлмаган истиқлолдан илгариги вақтлар ёдимиздан чиқмаган йўқ. Ҳосилнинг режадан ортиғи берилиши у ёқда турсин, «колхознинг планига етмади», деб уйими

Huquqiy ma`rifat

ГЕНОЦИД УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Инсонларнинг бир-бирининг ҳаётига тажовуз қилиши азал-азалдан оғир жиноят ҳисобланган. Кўплаб одамларни қириб юборишга қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлар қонунчиликда "геноцид" атамаси билан истеъфода этилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1946 йил 11 декабрдаги резолюциясида геноцид жинояти инсониятга қарши содир этилган энг оғир жиноятлар сирасига киритилган.

Халқаро қонунчиликда геноцидга айрим шахслар ва давлатларнниг миллий ҳамда халқаро жавобгарлигини келтириб чиқарадиган халқаро жиноят, деб таъриф берилган. Шу ўринда геноцид тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, у миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахсларнинг жисмонан тўлиқ ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган шароитни қасддан яратиш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ беришни назарда тутади. Мазкур халқаро жиноятга қарши кураш БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган «Геноциднинг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида»ги халқаро Битим (конвенция) асосида олиб борилади.

Ушбу (конвенция) Битимга мувофиқ геноцид қилмишини содир этган айбдорлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Битимнинг 1-моддасида геноциднинг тинчлик ёки уруш даврида содир этилганлигидан қатъи назар, унинг халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузишдан иборат жиноят экани қайд этилган ва унга қарши иштирокчи давлатлар зиммасига унинг олдини олиш ҳамда унинг содир этилиши учун жазолашга оид мажбурият юклатилган.

Битимнинг 2-моддасида ҳар қандай миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман йўқ қилиш мақсади мавжуд бўлган шароитларда мазкур ҳаракатларнинг амалга оширилиши геноцид жиноятини ташкил этиши баён этилган.

Геноцид жиноятига қарши курашда халқаро полиция ташкилоти (Интерпол) фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. 1923 йилда ташкил топган ушбу ташкилотнинг вазифаси халқаро жиноятчилик ва бошқа жиноятларга қарши курашдан иборат. Бу ташкилотга бугунги кунда 170 дан ортиқ давлат аъзо ҳисобланади. 1994 йил 24 декабрда Ўзбекистон ҳам Интерполга аъзо бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз қонунчилигида ҳам геноцид жинояти учун тегишли жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Жиноят Кодексининг 153-моддасида геноцид жиноятининг жисмоний, ижтимоий, иқтисодий, биологик турларига белгиланган жиноий жавобгарлик масаласи баён этилган.

Энди ушбу тушунчаларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, жисмоний геноцид бирор миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман қириб юбориш билан тавсифланади. Бундай ҳаракат одамларнинг ўлими ёки уларга тан жароҳати етказиш, оммавий заҳарланиш каби ҳаракатлардан иборат бўлиб, бирор гуруҳни миллий, этник, ирқий ёки миллий хусусиятга кўра қирғин қилиш мақсадининг амалга ошириш вақтидан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий геноцид эса бирор гуруҳни миллий, ирқий, этник ёки диний белгисига биноан тўлиқ ёки қисман жисмоний қирғин қилишга мўлжалланган шароитларни онгли равишда яратишдан иборат.

Биологик геноцид муайян гуруҳдаги шахслар орасида туғилишга барҳам беришга йўналтирилган ҳар қандай тадбирларни ўз ичига олади. Бу тадбирлар сирасига кишиларни мажбурий равишда бичиш ёки зурриёдсизлантириш, оналик ва болалик учун онгли равишда шароитлар яратмаслик, аҳолининг эркак ва аёлларини зўрлик ишлатиб ажратиб қўйиш, болаларни танлаб олиб мазкур гуруҳдан маҳрум этиш каби ҳаракатларни киритиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, халқ, миллат, этнос, ирқ ёки диний гуруҳнинг кўпайишига қарши мажбурий тадбирлар амалга оширилгандан бошлаб биологик геноцид тугалланган деб топилади.

Ушбу жиноят фақат геноциднинг ўзи эмас, балки геноцид содир этиш мақсадида ошкора иғво қилиш, зикр этилган ҳаракатларни содир этиш учун буйруқ бериш, геноцид қилишга қасд қилиш ва унда иштирок этишда ҳам ифодаланади.

Геноцид жиноятидаги махсус мақсад миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни батамом ёки унинг бир қисмини қириб юбориш учун амалга оширилади. Бундай мақсад йўқ бўлган тақдирда геноцид жинояти деб топилмайди.

БМТнинг геноциднинг олдини олиш ва унинг учун жазолаш мақсадида тузилган халқаро Битим талабига кўра геноцидни содир этган шахслар мансабдор ёки хусусий шахс бўлиши аҳамият касб этмайди. Яъни ушбу ҳаракатни содир қилган шахслар ким бўлишидан қатъи назар, айбдор шахслар ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, геноцид жинояти бошқа жиноятлар қаторида тинчлик ва инсоният хавфсизлигига жиддий зарар етказади. Шу сабабли у халқаро жиноятларнинг энг хавфлиси ҳисобланади. Чунки бу жиноят туфайли бутун миллат ёки халқ қирилиб кетиши мумкин. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса халқаро миқёсдаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Саломат НИЁЗОВА,
ҳуқуқшунос

ҚОНУНИЙ ТАЛАБИМИЗ ҚАЧОН БАЖАРИЛАДИ?

Tahrirsiz maktub

Қашқадарё вилояти "Қоракўл" акциядорлик бирлашмасига қарашли "Таъминотчи" савдо ва ишлаб чиқариш корхонасидан 40 нафар қурувчи Тошкент шаҳрида турар-жой қурилишига жалб этилган эди. Жумладан, "Сантехгазмонтаж" трестининг "Санбунёдкор" хўжалик жамияти билан 2002 йил 4 январда, "Тошуйжойинвест" ОТАЖнинг 4-қурилиш трести билан 2002 йил 14 июнда алоҳида-алоҳида қонуний асосда шартнома тузилганди. Шартномада қайд этилган хонадонлар ўз вақтида ва юқори сифатда қуриб битказилиб, топширилди. Бироқ бир масала очиқ қолди. Гап шундаки, қурувчиларимиз иш ҳақини тўлиқ ололмай сарсон бўлишяпти. "Сантехгазмонтаж" қурилиш трести билан шартномага мувофиқ, 15. 762. 207 сўмлик, "Тошуйжойинвест" ОТАЖнинг 4-трести ҳисобига белгиланган 23.978.211 сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ амалга оширилгач, кутилмаганда буюртмачилар тўнини тескари кийиб олишди. Ҳатто "Тошуйжойинвест" ОТАЖнинг 4-қурилиш трести раҳбарлари ўзлари ойма-ой имзо чекиб, муҳрлари билан тасдиқлаган ҳужжатларини тан олишдан бош тортишди. Устига-устак, ҳатто солиштирма далолатнома тузишга рухсат ҳам беришмади.

Биз 8-9 ой сарсон бўлгач, Адлия вазирлигига мурожаат қилдик. Вазирлик ходимларига минг раҳмат, бизни тўғри тушунишди, кўнглимизни кўтаришди ва зудлик билан ишимизни Тошкент шаҳар адлия бошқармасига чора кўриш учун юборишди.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг киритган даъво аризасига мувофиқ, мазкур масала 2003 йил 20 июн куни Тошкент шаҳар хўжалик судида кўриб чиқилди ва ҳал қилув қарори қабул қилинди. Асосий қарз ва устама билан жами 2.439.042 сўм ундириладиган бўлди.

Эндиликда мутасадди ташкилотлар суд қарорини ижросини пайсалга солмоқдалар. Бунинг сабабини билолмадик. Аммо бугун-эрта ҳақиқат қарор топади. Бунга ишончимиз комил.

Кези келганда ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, муаммомизни ҳал этишда яқиндан ёрдам берган Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига жамоамиз номидан миннатдорчилик билдирамиз. Биз "Инсон ва қонун" газетасига мактуб ёзишдан мақсадимиз, аввало, бизни оворaю-сарсон қилган қурилиш ташкилоти раҳбарларига сабоқ бўлармикан, деган ниятдамиз. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини тушуниши бугунги кунда ниҳоятда зарур эканлигини яна бир таъкидламоқчи эдик.

М. УНБОЕВ,
Д. НАЗАРОВ,
"Таъминотчи" савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлари

Jahon tajribasi

СУД ПРЕЦЕДЕНТИ

"Суд прецеденти" дастлаб Буюк Британияда вужудга келган турли низо ва қилмишлар бўйича судлар чиқарган қарорларнинг тизимлаштирилган йиғиндисидан иборат. Унинг узоқ тарихи ва муҳим амалий аҳамияти бор. Гап шундаки, Британияда норманлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, 1066 йили Қирол Кенгаши ҳузурида қироллик судлари ташкил этилади. Дастлаб уларда иш юритган судьялар қиролнинг энг яқин маслаҳатчилари ҳисобланиб, мамлакат ичидаги ҳудудий маъмуриятлари устидан назорат юритишган ва ўз мажбуриятларининг бир қисми сифатида жойларда келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишган.

Кейинчалик эса уларнинг вазифаси фақат суд ишларини олиб бориш билан чеклаб қўйилади. Қирол кенгашидан ажратиб қўйилган қироллик судлари ўз юрисдикцияларига эга бўла бошлайди. Улар суд ишларини қироллик жойлашган ҳудуд — Вестминстерда ҳам, мамлакатнинг бошқа ҳудудий бўлинмаларида ҳам олиб боради.

Айни пайтда маҳаллий дворянлар томонидан бошқариб турилган маҳаллий судлар ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлмаган низоларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган. Қироллик судлари ваколати доирасига фақат муҳим ишларни кўриб чиқиш қолган.

Қироллик судьялар ўзларининг мамлакат бўйлаб амалга оширган сафарларида мамлакатнинг барча ҳудудидаги маҳаллий одат ҳуқуқи меъёрларига риоя қилган. Бироқ улар "миллий" манфаатларга дахлдор ишлар маҳаллий судларда татбиқ этиладиган маҳаллий одат ҳуқуқи меъёрлари асосида эмас, балки бутун мамлакат ҳудудида мажбурий ҳуқуқий кучга эга бўлган ягона умумий ҳуқуқ манбаи асосида ҳал этилиши лозим, деган фикрни олға сурадилар. Ушбу масала қироллик судьяларининг Вестминтерда бўлиб ўтган учрашувида чуқур таҳлил қилиниб, маҳаллий одат ҳуқуқи меъёрлари қаторидан энг мақбулларини ажратиб олиш, уларни бирлаштириш ва замонга мослаштириш йўли билан ягона ҳуқуқ манбаи ишлаб чиқилган. Шу тариқа бунёд этилган ва татбиқ қилинган ҳуқуқ "умумий ҳуқуқ" деб атала бошлайди. Мазкур ҳуқуқнинг "умумий" деб аталиши сабаби шундаки, мамлакатнинг турли қисмларидаги бир хилдаги бўлмаган одат ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, ҳуқуқ меъёрлари бутун мамлакат доирасида умумий мажбурий кучга эга бўлган. Бутун Британияда умумий ҳуқуқ меъёрлари кенг тарқала бошлаши натижасида маҳаллий одат ҳуқуқи меъёрларининг кўп қисми ўз кучини йўқотади.

Қироллик судларининг мамлакат доирасида ягона ҳуқуқ тизимини шакллантиришдан асосий мақсад судда кўриб чиқилаётган низо ёки жиноятларни ҳал этишда муқаддам ҳудди шундай масала юзасидан келиб чиққан низо ёки содир этилган жиноят бўйича қарор ёки ҳукм чиқаришда амал қилинган процессуал ва моддий ҳуқуқ меъёрларини албатта татбиқ этиш қоидасини жорий этиш бўлган.Мазкур қоида "stare decisis", яъни келажакда вужудга келадиган низоли муносабатлар ўтмишда вужудга келган шундай муносабатлар каби бир хил мазмунда ҳал этилиши лозимлигини билдирувчи тамойилдан келиб чиққан.

Британиянинг таниқли судьялардан бири Ричард Фитз-Нигел ушбу масалада қуйидагича фикр билдирган: "Баъзи ишлар (фуқаролик ёки жиноят ишлари) борки, улардаги воқеа-ҳодисалар бўйича муайян бир қарор чиқариш учун ноаниқликка сабаб бўлади, бундай ишларда прецедентни асос қилиб қарор чиқариш етарлидир".

Судлар томонидан кўрилаётган ишлар тоифасига оид муқаддам қабул қилинган қарорлар тўғрисида ёзма манбалар бўлмагани сабабли умумий ҳуқуқ меъёрларини татбиқ этишда дастлаб қатор қийинчиликларга дуч келинган. Бироқ кейинчалик суд қарорлари ва ҳукмлари тизимлаштирилиб, алоҳида китобларда акс эттирила бошлангандан сўнг ушбу қийинчиликлар ўз ечимини топган. Шу тариқа умумий ҳуқуқ тизимида ҳар бир алоҳида иш юзасидан чиқарилган суд қарори ҳуқуқ манбаи ҳисобланади ва бундай қарорлар мажмуаси "case law" деб аталади.

Прецедент тизимида алоҳида бир фуқаролик ёки жиноят иши бўйича чиқарилган қарор ёки ҳукм нафақат кўриб чиқилаётган муносабатлар бўйича эмас, балки келажакда айнан шу масала бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва жиноятлар бўйича ҳам мажбурий ҳуқуқий кучга эга бўлади, яъни келажакдаги ишлар учун "прецедент" ҳисобланади.

Баъзи бир Америка олимлари "case law"ни "ёзилмаган қонун" деб аташади. Чунки прецедент суд қарорлари ёки ҳукмларида назарда тутилган қоидалар аниқ жумлаларда кўрсатилмаган бўлиб, улар қарорнинг умумий мазмунидан келиб чиқади. "Case law"нинг икки тури мавжуд: биринчиси умумий ҳуқуқ тарзидаги "case law", иккинчиси эса қонунларга шарҳ берувчи "case law".

"Умумий ҳуқуқ" атамаси Америка прецедент ҳуқуқи тизимида мавжуд бўлган барча суд қарорлари ва ҳукмларининг мажмуаси сифатида таърифланади. Мазкур таъриф жуда кенг бўлиб, фақат судлар фаолияти, суд иши юритуви ва жиноят-процессуал меъёрларига доир суд қарорлари ҳамда ҳукмлари доирасида тан олиниши ва қўлланиши мумкин.

"Умумий ҳуқуқ" меъёрлари ҳам федерал, ҳам штат қонунлари иерархиясида энг қуйи ўрин эгаллаган манба ҳисобланади. Америка ҳуқуқи тарихида бир пайтлар умумий ҳуқуқ меъёрларини қонунлар билан белгиланган ҳуқуқ меъёрларига нисбатан юқорироқ ҳуқуқий кучга эга бўлиши тўғрисида таклифлар киритилган. Бироқ қонун чиқарувчи олий кучга эга эканлиги тамойилига биноан ҳозирги давр қонунлари бўйича қонун чиқарувчи орган умумий ҳуқуқ меъёрларини бекор қилиш ёки уларга ўзгартириш киритиш ваколатига эга. Шунингдек, умумий ҳуқуқ меъёрлари Конституция моддаси ёки маъмурий идоралар томонидан қонунда белгиланган ваколатлари доирасида ва белгиланган тартибда қабул қилинган қоидалари билан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Қонунларга шарҳ берувчи "case law" ҳам умумий ҳуқуқ "case law"и сингари "stare decisis" тамойилиги амал қилади. Яъни қонун билан белгиланган ҳуқуқ меъёрини шарҳловчи суд қарори қонун манбаи ҳисобланади ва келажакда шарҳ берилаётган қонун меъёрини татбиқ этиш юзасидан вужудга келган масалани кўриб чиқишда ҳуқуқий кучга эга бўлади. "Case law" нинг мазкур тури ҳуқуқ манбаи сифатида шарҳ берилаётган қонун меъёридан ажратилган ҳолда кўрсатилади. Чунки қонун меъёрига шарҳ беришда унинг ҳуқуқий таъсир доираси муайян даражада кенгайиши ёки торайиши кузатилади. Бинобарин, бунда қонун ижодкорлиги хусусиятлари мавжуд бўлади. Лекин қонун манбаи сифатида қонун меъёрини шарҳловчи "case law" шарҳ берилаётган қонундан келиб чиққан деб ҳисобланади ва шу боис қонун манбалари иерархиясида у билан бир даражада туради.

Ҳуқуқ меъёрлари қарама-қаршилиги вужудга келганда, Конституцияни шарҳловчи "case law" қонун меъёридан, қонун меъёрини шарҳловчи "case law" эса умумий ҳуқуқ меъёридан устун туради. "Case law"нинг ушбу тури қонунлар каби қонунчилик органи томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бироқ Конституцияни шарҳловчи "case law" фақат Конституцияга ўзгартириш киритиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин. Шундай қилиб, суд прецеденти Конституция ва федерал ҳамда штат қонунларига зид бўлмаслиги талаб қилинади.

Абдурашид АЛИШЕРОВ,
тадқиқотчи

Qonun va intizom

БАҲОНАСИ — МОНИТОРИНГ...

«Шошган ўрдак ҳам боши, ҳам думи билан сувга шўнғийди», деган мақол бор. Қарангки, шу мақол бугун Сирдарё вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ходимларининг айрим қилмишларига мос келиб турибди. Ҳа, мақол бўлса, исботсиз қолмас экан.

Ушбу бошқарманинг 52-СБ буйруғи билан бошлиқ ўринбосари А.Бердимуродов, етакчи мутахассис Х.Телегенов, Гулистон туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси С.Мирзажонов холис иштирокида "Сирдарё" фирмасига қарашли ёнилғи қуйиш шаҳобчаси, "Нурота" хусусий фирма дўкони ва атрофидаги дорихоналарда мониторинг ўтказиш учун юборилди.

"Нурота" дўконидан холис И.Саматов 600 сўмга 1 килограмм шакар олди. Сотувчи чек бермади. Текширувчилар бу ҳақда дарҳол маълумотнома тузишди. Аввалига дўкон сотувчиси У.Ирсалиева маълумотномага имзо чекишдан бош тортди. У айтдики, назоратчи-касса машинасида қоғоз қолмаган, бу ҳақда кеча туман давлат солиқ инспекциясига хабар берилган, тушум пули 24-китобга кирим қилиб ёзиб келинмоқда.

Бошқармадан келган текширувчилар эса «пулни кирим қилганлигингиз инобатга олинмайди, лекин ҳеч нима бўлмайди, маълумотномага қўл қўяверинг, бу шунчаки хориж тилида мониторинг, ўзимизда кузатув бўлади», дейишиб, сотувчини маълумотномага қўл қўйишга кўндиришди. Маълумотноманинг бир нусхасини сотувчида қолдиришиб, эртаси куни кузатув натижаси бўйича бошқармага келиб ишни кўришда иштирок этиш шарт, акс ҳолда дўкон вакили иштирокисиз кўриб чиқилади, деб писанда қилиб қўйишди. Бироқ корхона вакили келмагани боис унинг иштирокисиз қарор қабул қилинди.

Бу кузатув ва "ҳеч нима бўлмайди"си "Нурота" дўкони учун 435500 сўмга тушадиган бўлди.

Табиийки, бундан "Нурота" дўкони раҳбари А.Ўролов норози бўлди. Чунки у дўконда бўлмаган куни текшириш ўтказилган. Қолаверса, назоратчи-касса машинасида қоғоз қолмагани, янги ўрам қоғоз олиб келиш зарурлиги ҳақида бир кун илгари туман давлат солиқ инспекциясига хабар берилган эди. Савдо пули тушуми эса 24-китобга қайд қилиб борилган. Бу ҳақда текширувчиларга айтилган. Аммо улар маълумотнома ёзишиб, **«Текширишларни рўйхатга олиш Китоби»**га ҳеч ёзув битишмаган.

Қизиқ томони шундаки, бу дўконда барча мол-мулкни ҳисоблаб чиққанда ҳам маблағ жарима миқдорига арзимайди. Жарима тўлаш банкрот бўлиш демакдир. Аммо бу МЧРРВБ раҳбариятини қизиқтиргани йўқ.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бу асли моҳият жиҳатидан мониторинг эмас, текшириш эди. Чунки бошқарманинг икки ходими, жамиятнинг бошлиғи ва аъзоси аввалдан тайёрланиб, текшириш ўтказишди. Бошқармада уларга нисбатан буйруқ чиқарилгани ҳам буни исботлаб турибди. Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси тўғрисида"ги Низомга мувофиқ вилоятдаги бошқармаларга истеъмол товарлари нархлари ва хизмат тарифлари мониторингини ўтказиш ваколати берилган. Чунки бу бошқарманинг вазифаси моҳиятига мос келади. Бироқ уларга назорат-касса аппаратларини ишлатиш, харид чеки бериш ва шу каби бошқа турдаги мониторингларни ўтказиш ваколати берилмаган. Хуллас, "Нурота" хусусий дўконида содир этилган ҳолат **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 3-моддасига асосан, ўз мазмун-хусусиятига кўра, текшириш ҳисобланади. Бундай мазмунан текшириш учун назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатномаси олинмаган. Шу боис бу ҳақда **"Текширишларни рўйхатга олиш китоби"**га ёзилмаган.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят бошқармаси хизматчилари А.Бердимуротов ва Х.Телегеновнинг «саргузашти» шу билан тугамади. Уларнинг Сирдарё туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Ф.Эргашев билан биргаликда 1-ёнилғи қуйиш шаҳобчасида ўтказган текшириши натижасида ёзилган маълумотномаси бўйича МЧРРВБ раҳбарининг "Шоҳруҳ" хусусий фирмасига 453500 сўм жарима солиш ҳақидаги қарори чиқарилди. Лекин кейин масаланинг бошқа ишкаллари чиқиб қолди. Текширувчилар ишнинг осон битаётганига қувониб, шунчалик қизиқиб кетишибдики, 1200 сўмга бензин бериб, чек бермаган О.Зокиров нафақат шу шаҳобчада ва фирмада ишлайдими-йўқми, деб ҳужжат сўрашни ёддан чиқаришибди. Энди тасаввур қилинг, бирон танишингизнинг фамилиясини ёзиб келиб, бу тартиббузарлик қилди, энди сиз жарима тўлайсиз, дейишса, қандай ноқулай ҳолга тушасиз?!

Шаҳобчада ўша куни катта оператор Э.Рустамов бўлган. Шаҳобчанинг касса аппарати ва бошқарув пультини сейфга қулфлаб, таниши О.Зокировдан вақтинча қоровуллик қилиб туришни илтимос қилиб, ўзи бензин учун базага кетган. Ўша вақтда текширувчилар "Жигули"да келиб, илтимос қилиб қўйишмагач, У.Зокиров "Москвич" машинасидан бензин олиб берганлигини Э.Рустамов бошқарув пулти сейфидалиги сабабли бензин колонкасини ишлатиш мумкин эмаслиги ва колонка ҳисоблагичда ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмагани билан изоҳлади. Бироқ текширувчилар ўша вақтда бундай тафсилотларни тушуниб етишни исташмади. У.Зокировнинг айтишича, у бензинни Э.Рустамовнинг "Москвич" автомашинасидан олиб берган, текширувчилар берган маълумотномани оператор келгач, унга қолдириб кетаверган. Операторнинг таниши бу ерга текширувчилар келишибди, деб одамгарчилик қилмоқчи бўлган, унинг қилмиши эса шаҳобчага қарашли бўлган фирмага тўқмоқ бўлиб тушган.

Энг қизиғи, судда жавобгар вакили И.Худойбердиев бу даъвони тан олмади. Бошқарма бошлиғининг буйруғига биноан А.Бердимуротов, Х.Телегенов ва Ф.Эргашев томонидан холислар иштирокида қонун талабларига риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилганида, фуқаро К.Муҳаммадиев 5 литр бензин харид қилиб, 1200 сўм бензин ҳақини "оператор" У.Зокировга берган. Лекин "оператор" харидорга касса чеки бермаган. Маълумотнома тузилиб, фирма директори Р.Фозилов эртага МЧРРВБга борсин, дейишган, лекин эртаси куни вакил келмаган. Шу сабабли иш унинг иштирокисиз кўрилиб, ваколат доирасида қарор қабул қилинган.

Хуллас, ёнилғи шаҳобчасида текшириш ўтказилиб, маълумотнома тузилганда, ўша жойнинг вакили ҳам иштирок этмайдими, деган савол жавобгар вакилига таъсир этмади.

Охири ушбу важлар ҳам бир чеккага қўйилиб, жавобгарнинг бу иши мониторинг эмас, текширув бўлганлигини эслатиб ўтишга тўғри келди.

Хуллас, бошқарма ва жамият туман бўлимлари томонидан ўтказилган текширишлар ноқонуний бўлгани боис, бошқарманинг жарима ҳақида қабул қилган қарорлари Сирдарё вилоят хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас, деб топилди. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга айрим идораларда ҳамон йўл қўйилаётгани, бировнинг осон вазифасини ўзиники қилиб кўрсатишга интилишаётганини мутасаддилар жиддий кўришлари зарур.

Тоҳир ТОЖИБОЕВ,
ҳуқуқшунос

Qonun ko`magi

ЮЗ ОЧГАН ҲАҚИҚАТ

Қадимдан қолган шундай бир ҳикмат бор: ҳақиқат эгилади, лекин синмайди. Бу ҳикмат неча асрлар синовидан ўтиб келган ва у бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Буни Нукус туманидаги "Соҳиб Жамол" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Аслида мазкур жамият 1995 йилнинг мартида Нукус тумани ҳокимининг 86-сонли қарори билан тайёрлов савдо жамоат корхонаси шаклида ташкил этилган эди. Орадан уч йил ўтгач, корхона Оқмангит (Нукус тумани маркази) матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли ихтисослаштирилган улгуржи савдо бозорига айлантирилди. Ва ниҳоят, 2001 йилнинг 7 ноябрида улгуржи савдо бозори негизида агросаноат савдо корхонаси (ҳозирги "Соҳиб Жамол" масъулияти чекланган жамияти) тузилди.

Ҳақиқат тамойили хусусидаги гапни 1995 йилнинг 7 майида тузилган 15-сонли шартномадан бошлайлик. Шундай қилиб, катта ғавғо ва машмашаларга сабаб бўлган ушбу шартнома ўз вақтида туман тайёрлов савдо жамоат корхонаси раҳбари Сарсенбой Ибрагимов, Тошкент шаҳридаги Инновация ва келажакни ўрганиш институти директори Бадор Рихсиев ва Хабаровск шаҳридаги "Форца" компанияси раҳбари Алишер Омоновлар томонидан имзоланди. Шартномага кўра, Нукус туман тайёрлов савдо жамоа корхонаси қиймати 372 минг сўм ёки 28 минг АҚШ долларига баробар бўлган 60 тонна миқдоридаги гўрчни "Форца" компаниясига жўнатади ва бунинг эвазига спирт ишлаб чиқарувчи ускуналар олиши лозим бўлади. Аммо тайёрлов савдо корхонаси бу пайтга келиб, спирт заводи ускуналарига унчалик эҳтиёж қолмаганлигидан, янги шартнома асосида икки дона сутни қайта ишлаш ва қаймоқ тайёрлаш цеҳларини қабул қилиб олади.

Афсуски, ишлар ўз маромида кетаётган бир пайтда 2002 йилнинг 13 июнида туман Давлат солиқ инспекцияси катта инспектори Мурот Келимбетов томонидан агросаноат савдо корхонаси ("Соҳиб Жамол" масъулияти чекланган жамияти)да экспорт, импорт ва бартер операцияларининг муддати ўтган дебитор қарзлари бўйича текшириш ўтказилади ва текшириш якунларига асосланиб, савдо корхонасидан 2 миллион 954 минг 446 сўм миқдорида молиявий жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Бироқ шу ўринда бартер операциясини амалга ошириш ҳақидаги шартноманинг 1995 йил 7 майда тузилгани ва таъкидланганидек, солиқчи текшируви эса 2002 йилнинг 13 июнида уюштирилгани эслатиб ўтмоқ жоиз. Кўриниб турибдики, солиқ инспекцияси ходимлари ўз хатти-ҳаракатлари билан Фуқаролик Кодексининг 150-моддаси ва Солиқ Кодексининг 124-моддалари ҳамда Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда қонунийликни таъминлаш юзасидан кўрсатмалар"** талабларини қўпол равишда бузишган.

Шуларга биноан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Нукус туман Давлат солиқ инспекциясининг 2002 йил 13 июндаги "Соҳиб Жамол" масъулияти чекланган жамиятидан 2 миллион 954 минг 446 сўм миқдорида молиявий жарима ундириш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди. Таассуфки, солиқ бошқармаси қонун доирасида тутилган ишга беписандлик билан қаради ва натижада Адлия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Даъво аризасига кўра, хўжалик суди Нукус туман Давлат солиқ инспекциясининг молиявий жарима ундириш тўғрисидаги қарорини бекор қилди. Кўшимча равишда Нукус туманлараро фуқаролик ишлари суди қарори билан туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Дониёр Нурабдуллаев ва катта инспектор Мурот Келимбетовлардан тегишли миқдорда маънавий зарар ундирилди.

Энди "Соҳиб Жамол" масъулияти чекланган жамиятининг қонуний манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ иккинчи масала хусусида тўхтайлик. Гап шундаки, "Соҳиб Жамол" масъулияти чекланган жамияти 2001 йилнинг 27 июлида Тошкент шаҳридаги "Давр-хизмат" корхонасидан олиб келинган 4 миллион 630 минг 730 сўм миқдоридаги савдо ускуналарини "Оқмангиттутинув" очиқ турдаги акциядорлик жамиятига сотган. Ўз навбатида тўлов акциядорлик жамияти томонидан солиштирув акти асосида 2001-2002 йиллар давомида амалга оширилган. Бироқ **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг 32-моддасида жавобгар ўз мажбуриятларини тегишли тартибда бажармаган ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоиз миқдорида устама тўлаши шартлиги уктирилган. Шунга биноан, "Оқмангиттутинув" акциядорлик жамиятининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари хўжалик судида кўриб чиқилди ва иш суд жараёнида томонларнинг ўзаро келишуви билан ниҳояланди. Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туман судининг қарорига асосан, акциядорлик жамияти раиси Генжабой Бахиевдан кўрилган маънавий зарарлар эвазига "Соҳиб Жамол" масъулияти чекланган жамияти раиси Жалғас Медетов фойдасига 138 минг сўм пул ундириб берилди.

Хуллас, узоқ тортишувлар, асаб бузилишларига сабаб бўлган машмашали масала қонун кўмагида ўзининг ижобий ечимини топди.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Она Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрамига тайёргарлик кўрилаётган бугунги кунда мамлакатимизда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлган сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақирилган ёш аскарларнинг ҳарбий-ўқув машғулотида иштироки ва қасамёд қабул қилиши ҳаётимизда улкан воқеа бўлди десак, муболаға эмас. Баъзи бир қўшни давлатларда ҳарбий ислоҳотларни қандай бошлаш устида бош қотирилаётган бир пайтда мамлакатимизда "Умумуй ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун асосида собитқадамлик билан изчил сиёсат олиб борилаётгани ҳар бир кишини қувонтиради, албатта.

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Яқинда ойнаи жаҳонда берилган сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақирилган ёш аскарларимизнинг ҳаётига бағишланган лавҳаларни кўрарканман, кўнглимни нурли, фараҳбахш туйғулар жунбушга келтирди. Аскарларнинг шаҳдам қадам ташлашларидан тортиб, ўқув машғулотларида иштироки-ю, жанговар қуролларни мукаммал билиши, яшаш шароитлари — бари ҳайратга солди. Айниқса, уларнинг ота-оналари юзидаги қувончнинг чегараси йўқдай кўринарди. Нечоғлик бахтли бу мустақил Ватан аскарлари, деб ўйларканман, беихтиёр ўзимнинг ҳарбий хизмат вақтларим ёдимга тушиб кетди. Ўзимча бу икки даврни солиштирмоқчи бўлдим. Йўқ, бунинг иложи йўқ экан. Илгариги хўрликларни эслаб, беихтиёр кўзларимдан ёш келди.

Буни кўриб ўглим Ғайратжон, нима, бу сизга кинофильмми, йиғлайсиз, деди ҳайрон бўлиб.

— Йўқ, ўзимни ҳарбий хизматдаги пайтларим эсимга тушиб кетди, ўғлим, — дедим беихтиёр.

— Илгари хизмат бошқачамиди? — деди унинг ҳайрати баттар ошиб, — мен аскар ҳамма жойда шу аскар-да, деб юрардим...

Биринчи хаёлимга келган нарса шу бўлдики, ўтган фожеаларни эслаш ўзи шартмикан? Иккинчидан, истиқлол даврида ўсиб-улғайган болаларга бу воқеалар эртак бўлиб туюлмасмикан? Агар сўзларимга ишонмаса, оталик обрўйим тўкилиб қолмасмикин?

Кейин эса бошқа бир хулосага келдим: фарзандларимиз яқин ўтмишни яхши билишмас экан, бу бўшлиқни, албатта, тўлдиришимиз керак. Зеро, бугунги нурафшон кунларга халқимиз ўз-ўзидан етиб келмагани, кўп-кўп йўқотишлар-у, қулфатларни бошидан кечирганини рўй-рост айтиб беришимиз зарур. Шунда йигит-қизларимиз истиқлолни, она Ватанни янада қадрлайдиган бўлишади.

Йўл азоби гўр азоби, деб бекорга айтишмаган экан. Йўлда зобитлар пулларимизни, тоза кийимларни йўқотиб қўясанлар деб олиб қўйишди. Ётадигани жой етишмас, ит эгасини танимайди.

Сафарнинг учинчи куни тонг саҳар бийдай далага етиб келдик. Гарчи май ойи бўлса-да, совуқ изғирин эсиб турарди. Ердан ҳали қор кетмаганди. Саф тортиб, ҳарбий қисмга йўл олдик. Эски махбуслар колонияси ҳарбий қисмга айлантирилган экан. Дарвозадан кираётиб пештахтадаги ёзувни ўқидим, "536 ВСО". Шу пайт аскарлардан бири: — Ҳарбий ҳаво кучларига тушибмиз, ура,— деб юборди.

Эртаси куни 3-4 нафар аскарлар билан шу яқин атрофдаги бинога самолётларни кўргани бордик. Бироқ бино ичкарисига кириб ҳайрон қолдик. Нега деганда, бино ичида 5-6 мингта қалашиб ётган ҳар хил турдаги белкураклардан бошқа ҳеч ваҳо йўқ эди...

Буни кўриб, руҳимиз тушиб кетди. Шунда фарғоналик Нуриддин Парпалиев деган қизиқчи йигит хоҳолаб кулиб юборди-да, бизга юзланиб, мардикорлик муборак бўлсин, оғайнилар, деди. Унинг бу ҳазиломуз гапи мутлақо тўғри бўлиб чиқди. Карантиндан сўнг Оренбург газни қайта ишлаш заводида ҳақиқий мардикор бўлиб ишладик. 5 минг нафарга яқин қурувчи аскарларнинг 3 минг нафаридан кўпроғи Ўзбекистон фарзандлари эди...

МАРДИКОРЛИК

Бундан анча йиллар муқаддам егулик солинган қопчиқларни орқалаб, саф билан жанговар қўшиқ айтиб, поезд вокзалига кириб келганимизда дастлаб кўзга ташланган нарса беҳисоб чақириқлар ёзилган алвонлару байроқлар, пролетариат "доҳий"ларининг портретлари бўлганди. Буларни остида одамлар базўр кўзга ташланарди.

Оломон орасидан кимдир "келди", деб ҳайқирганини биламан ота-оналар бизни ҳар томондан ўраб олишди. Лекин сафни қўриқлаб келаётган ҳарбийлар уларни яқинлаштирмади. "Нельзя, нельзя", деб ортга суриб ташлашди.

Хуллас, хайрлашиш учун қисқа фурсат берилди. Ҳаммаёқни йиғи-сиғи тутиб кетди. Онам раҳматлик ҳам елкамга бошини қўйиб, узоқ йиғладилар. "Урушга кетаётганим йўқ-ку, опа", — деганимга қарамай кўзёшлари тинмади. Отам вазиятни юмшатиш мақсадида, энди йигит бўлганидан кейин бурчини бажариши керак-да, онаси, деб қўяди ҳар замонда.

Ниҳоят, эшелон ўрнидан қўзғалди.

АСКАР ЙИҒЛАМАЙДИ...

Волгабўйи минтақасида қиш сентябрдан бошланиб, май ойининг охиригача давом этади. Қор том баравари ёққани учун девор ва уйлар қишда кўринмай қолади. Қўшни қисмларга қор барханларидан бемалол ўтиб борилаверади. 50-60 кун совуқ 40 даражадан тушмайди.

Ана шундай қақшатқич совуққа қарамай завод қурилишини тезлаштириш учун аскарлар икки сменадан ишлай бошлашди. Яъни эрталаб соат 6 дан, тунги соат 02 гача тик оёқда туриб ишлаймиз. Шароит оғир, ишдан асло бўйин товлаб бўлмайди. Ана шундай кунларнинг бирида, аниқроғи, қишнинг ўрталарида, бўлинмамизни тўғридан-тўғри иккинчи сменада ишлаш учун олиб қолишди. Биз азаробийи асабимиз чидамай бунга норозилик билдирган эдик, командир **«Бу илтимос эмас, буйруқ. Сизлар ўзингизни уруштаман, деб ҳис қилинглар. Урушда эса нима бизни смена тугади, деб душманга айтасанларми, ҳайвонлар»,** дея дўқ урди.

Қисқаси, ўша кун ўлар ҳолатда ярим тунгача яна бетон қуйдик. Совуқ шу даражада кучли эдики, оёқларимиз ҳам музлаб қолган эди. Ўшанда барча аскарлар таналарининг кўп жойларини совуққа олдирган эди. Бу ҳали ҳолва экан. Бундан ҳам баттари бўлган. Гап шундаки, Саидқул Қаршибоев деган йигитнинг оёқлари тиззасигача музлаб, жонсиз бўлиб қолган. Уни замбилга солиб, госпиталга олиб кетишганди.

Ўшанда биз Саидқул тез орада тузалиб кетса керак, деб ўйлаган эдик. Бироқ орадан уч ой ўтгач, у иккита қўлтиқтаёққа суяниб қайтиб келди. Кейин маълум бўлдики, унинг ўнг оёғини олдин тиззасидан, сўнг гангрена бошлангач, сонидан кесиб ташлашибди. Ўшанда оёқсиз қолган Саидқулни кўриб, биз унсиз йиғлаганимиз сира ёдимдан чиқмайди. Бироқ командирнинг йиғилишда Саидқулнинг оёқсиз қолишида унинг ўзи айбдор экани, соғлиғига масъулиятсизлик билан қарагани ва бу билан уставни бузганлиги ҳақидаги таҳдидли гапларини эшитиб, йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмай қолдик...

Командир бундай хўрликка чидамай кўзларига ёш олган ногирон Саидқулни эса "чурбан" деб сўкди: — Солдат ҳам йиғлайдими, ахмоқ. Ватан учун оёғингни бердинг, хурсанд бўл, — деди. — Аслида жонингни ҳам беришга тайёр бўлишинг керак, понятно.

Саидқул эса биз билан хайрлашаётиб, изтироб билан шундай деган эди:

— Оғайнилар, бир оёғим билан энди ота-онамнинг ёнига қандай бораман. Бир уйда уч нафар ногирон бўлдик. Энди нима қиламан?!.

Собиқ шўролар даври армиясида хизмат қилган йигитларимиз ҳаётидан бундай аянчли мисолларни юзлаб келтириш мумкин эди. Шукроналар бўлсинки, мустақиллик бизни ана шундай хўрликлардан халос этди.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ma`naviy saboqlar

Taqdir tarixi

Gerald R. FORD

Олқишларга муносиб инсон

Америка Қўшма Штатлари тарихига назар солсак, ушбу давлатни турли вақтларда ҳар хил касб эгалари бошқарганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, уларнинг кўпчилик қисмини ҳуқуқшунослар ташкил этса, баъзилари ҳарбий, журналист, педагог ва ҳатто тикувчи ҳам бўлган. Лекин улар ичида айримлари ёшлигида умуман бошқа соҳада ўз қобилияти билан халққа танилиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Ана шундай давлат раҳбарларидан бири Жералд Форд Рудолф ёшлик чоғидан моҳир футболчи бўлиб, кўплаб ишқибозларнинг олқишларига сазовор бўлган.

Жералд Форд 1913 йилнинг 14 июлида дунёга келади. Унинг ота-онаси Форд туғилганидан сўнг икки йил ўтгач, оилавий можаролар сабабли ажралишади ва шундан кейин она-бола Мичиган штатига кўчиб кетишади. Бу ерда Жераллднинг онаси Дароси буёқ компаниясининг Жералд Форд исмли бошлиғи билан танишиб қолиб, у билан турмуш қуради. Форд болани ўз фарзанди каби қабул қилиб, унга ўз исмини беради. Оилада уни Жерри, деб чақиришади. Жерри ўгай отасининг Жеймс, Ричард ва Томас исмли ўғилларига акалик қилади. Гарчи тўртта ўғил бўлишига қарамасдан, оила бошлиғи Рудолф ўгай ўғли Жеррини алоҳида эътибор ва меҳр кўзи билан тарбиялайди. Форд ёшлик чоғидан спортга, айниқса, футболга жуда қизиқарди. Қўшни болалар билан биргаликда футбол жамоаси ташкил этиб, мусобақалар ташкиллаштирарди. Ўғлининг спортга бундай қизиқишини кўрган Рудолф уни футбол мактабига ўқишга олиб боради. Ўрта ва футбол мактабларини яхши тамомлаган Форд 1931 йилда Мичиган университетига ўқишга киради. Бу ерда ўқиши мобайнида у 3 йил Мичиган терма жамоасида тўп суради. Университетни тугатиш арафасида бир неча футбол жамоаси тренерлари уни ўз таркибига қабул қилиш учун таклиф қилишади. Аммо Жералд ҳуқуқшунос бўлмоқчиман, деб барча таклифларни рад этиб, Йел университетига ўқишга киради. Бу ерда ҳам у ўқиши билан бирга футбол ва бокс билан мунтазам шуғулланиб, қатор муваффақиятларга эришади ва шу билан бирга бир неча шогирдлар ҳам тайёрлайди. Шунингдек, моддий таъминотини яхшилаш мақсадида Нью-Йорк модалар уйида ҳам ишлайди. Дўсти Гарри билан хусусий модалар уйи очиб, футбол ва бокс учун зарур кийим ва анжомлар олди-сотдисини йўлга қўяди. Хуллас, бу даврга келиб Жералд Форд машҳур футбол юлдузи сифатида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. 1941 йилда ҳуқуқшуносликни йўналиши бўйича Йел университетини тугатган Жералд Мичигандаги юридик ташкилотларининг бирида ҳуқуқшунос бўлиб ишлай бошлайди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, АҚШнинг иккинчи Жаҳон урушига кириши уни жанг майдони сари етаклайди. Урушдан қайтгач, лейтенант Жералд Форд хусусий адвокатура очиб, фуқароларга юридик ёрдам кўрсатади.

Форднинг оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у 1947 йилда чикаголик Элизабет Блумер исмли қизга уйланади. Элизабет хоним рақс санъати бўйича ном қозонган эди. Эр-хотин Фордлар Жони, Майкл, Стиван ва Сузан исмли фарзандларни тарбиялаб, вояга етказишди. Жералд Форднинг сиёсатга кириб келиши Конгресс аъзоси бўлиши билан боғлиқ. Конгрессда ишлаган вақтда у сенаторлар орасида ўз ишининг моҳир устаси сифатида катта эътибор қозонади. Ҳатто баъзи республикачилар унинг номзодини вице-президентликка кўрсатамиз, деган фикрни илгари суришади. Аммо Форднинг ўзи буни хоҳламайди. 1963 йилда президентлик ваколатини қабул қилиб олган Линдон Жонсон Ж.Кеннедига қилинган суиқасднинг сабабларини аниқлаш ва ижрочиларини топиш бўйича махсус комиссия ташкил қилади. Жералд ҳам ана шу комиссия аъзолигига қабул қилинади. Шунингдек, у Вьетнам билан бўлган урушда ҳам жонбозлик кўрсатади. Маълумки, 1968 йилда ҳокимият тепасига янги раҳбар — Ричард Никсон келади. Форд эса Никсоннинг энг ишонган садоқатли дўстларидан бири эди. Шу сабабли президент унинг номзодини вице-президентликка тавсия этади. Конгресс Форднинг номзодини кўриб чиқиб, бир овоздан маъқуллайди. Бироқ қутилмаганда Конгресс аъзолари Президент Никсонни вазифасидан четлаштириш масаласини кўтариб чиқишади. «Уотергейт иши» туфайли Ричард Никсоннинг муддатидан олдин истеъфога чиқиши кундан-кунга яқинлашаётган бир пайтда вице-президент Форд халққа бир неча марта мурожаат қилиб, президентнинг бу ишда айби йўқлигини қайта-қайта таъкидлаб, уни ўз ўрнида сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Аммо у ҳар қанча уринмасин, Никсоннинг лавозимидан четлаштирилиши аниқ бўлиб қолади. 1974 йилда «Уотергейт иши» бўйича ташкил этилган махсус комиссия Ричард Никсоннинг истеъфога чиққанлигини эълон қилади.

Шундан сўнг вице-президент Жералд Форд Оқ уйда президентлик қасамёдини қабул қилади. Шуниси қизиқки, Америка президентлари ичида фақат Ж.Форд вице-президент ва президент бўлиб бир неча йил ишлагани билан вице-президентликка ҳам, президентликка ҳам сайланмаган, яъни вице-президентликка сайлов билан эмас, балки тайинлов йўли билан ўтган ва Р.Никсон президентликдан кетгандан сўнг Конституцияга асосан кейинги сайловга қадар вақтинчалик президентлик вазифасини бажариб туради. Президент Форд Оқ уйга келганида дастлаб ўзининг асосий мақсади халқни ҳукуматга, умуман айтганда, давлатга ишончини қайта тиклаш деб билди. Чунки «Уотергейт иши» ҳокимиятга нисбатан халқнинг ишончсизлигини келтириб чиқарган эди. Бундан ташқари, Форднинг бир неча бор Никсонни очиқчасига асоссиз ҳимоя қилгани аҳоли ўртасида норозиликни келтириб чиқариб, унинг обрўсига путур етказади. Чунки охир-оқибат Никсон ўз айбига тўлиқ иқрор бўлади ва бу билан Форд унинг айбини билатуриб ҳимоя қилгани очилиб қолади. Президентни ҳимоя қилиш учун у қилган барча ҳаракатларининг асоссизлиги ўз-ўзидан исботлангач, табиийки, унинг обрўси тўкилади. Жералд Форд даврида мамлакатда ишсизлар сони ортиб, пул қадрсизланиши кучаяди. Бу муаммоларни ечимининг ягона тўғри йўлни танлаган президент мамлакатда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиб, аҳолини иш билан таъминлашга эътибор қаратади. Форднинг президентлик вақтида қилган энг катта иши шу бўлдики, у Вьетнам урушидан асирга тушган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиб, уларни озод этади. 1975 йил сентябр ойида Жералд Форд ҳаётига икки маротаба суиқасд уюштирилади. Шуниси қизиқки, ҳар иккала суиқасднинг ҳам ижрочилари аёллар бўлган. Биринчиси 5 сентябр куни Калифорния штатининг Сакраменто шаҳрида амалга оширилади. Эрталаб президент қўриқчилари билан "Сенатор" меҳмонхонасидан иш юзасидан учрашув белгиланган бинога қараб йўл олади. Тўпланган оломон орасидан ўтиб бораётган президент чўзилган қўлларни сиқиб чиқарди. Тўсатдан оломон орасидан бир ёш аёл отилиб чиқиб, президентга қараб тўппончасини тўғрилади. Бироқ ўқ узилмади. Хавфсизлик хизмати ходимлари аёлни қўлга олишганида аёл "Тўппонча отилмади, отилмади", деб телбаларча бақирарди. Кейинчалик қурол қўздан кечирилганда унинг ўқлангани, лекин ўша пайтда қандайдир сабаблар билан отилмай қолгани маълум бўлди. Қўлга олинган аёл бутун Американи ларзага солган "Чарльз Мэнсон" деган террорчилик гуруҳининг аъзоси 24 ёшли Линетт Фром экан. Ушбу жиноий гуруҳ кўплаб қонли ишлар, хусусан, таниқли киноактриса Шарон Тейтга нисбатан қотилликни амалга оширган эди. Воқеа содир бўлганидан сўнг орадан бир соат ўтгач, президент Форд Калифорния штати қонунчилик идорасида жиноятчиликка қарши кураш ва қуролларни назорат қилиш юзасидан маъруза ўқийди.

Сакраментода бўлиб ўтган ноҳуш ҳодисадан сўнг уч ҳафта ўтгач, яъни 1975 йил 21 сентябр куни президент Форд Лос Анжелосдаги меҳмонхоналардан биридан чиқиб келаётганида, унинг ҳаётига нисбатан иккинчи маротаба суиқасд уюштирилади, Мазкур ҳолатнинг шоҳиди бўлганлардан бири воқеани қуйидагича баён этган: "Президент меҳмонхонадан чиқди. Уни кутиб олгани чиққан оломон ҳаракатга келди ва бирдан ўқ овози эшитилди. Биз йўлнинг нариги тарафида тутун тўпланганини кўрдик. Президент қатъиятсизлик билан тўхтади. Махфий хизмат ходимлари тезда уни машинага ўтиргизишди ва машина зудлик билан жойидан қўзғалди".

Хавфсизлик хизмати ходимларининг бир гуруҳи ҳайратда қолган президентни олиб кетар экан, иккинчи гуруҳи қўлида тўппонча ушлаган 45 ёшли аёлни қўлга олди. Қўлга олинган аёл Сан-Францискода таниқли бўлган сўллар партиясининг фаоли Сара Жейн Мур эди. Президент Фордга суиқасд амалга оширган ҳар икки жиноятчи узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

1976 йилги сайловда Форднинг асосий рақиблари Рональд Рейген ва Жимми Картер эди. Сайловда Ж.Картер устунликка эришади. Оқ уйни ғамгин кайфиятда тарк этган Жералд Форд қолган умрини ўқитувчилик ва ижодга бағишлайди. 1979 йилда Форд ўзининг жўшқин ва серташвиш ҳаёт йўли ҳақида китоб чоп эттиради.

Ҳозирги кунда АҚШда президент Жералд Форд номига музей ва кутубхона ташкил этилган.

Ҳусан ТУРСУНОВ

Qing`irlik qiyig`i

ҚАЛЛОБЛИК "ДИПЛОМ"И

Нафс ҳамиша инсонни тўғри йўлдан оздиради. Уни енга олган кишининг турмуши осойишта, кўнгли хотиржам бўлади. Аммо нафсга жиловини тутқазиб қўйган одамнинг юзи шувит бўлиб, қалби риёга бурканиб қолади. Поклик, ҳалоллик, кўнгил хотиржамлиги унинг учун ёт ҳисобланади. У фақат нафс ва манфаатни, ҳаром луқмани билади. Ҳамиша ҳадиқда, нимадандир безовта яшайди. Бир куни пешонаси деворга "тақ" этиб урилганда, қилган ишидан надомат чекади. Бироқ кейинги пушаймондан заррача фойда йўқ.

Наманган шаҳрида яшовчи Маҳфират Ворисова ҳам худди шундай аҳволга тушди. У ўз манфаатини кўзлаб, жиноятга қўл уришдан тийилмади.

У 1999 йил май ойида Андижон шаҳрига кетаётиб, автобусда ўзига нотаниш бўлган аёл билан суҳбатлашиб қолади. Суҳбат чоғида М.Ворисова Андижон Давлат педагогика университетига ҳужжат топширмоқчи эканини айтиб ўтади. Ўз навбатида аёл ҳам айнан шу даргоҳда яқин танишлари борлигини, қандай ёрдам лозим бўлса, уддасидан чиқишини таъкидлаб қўяди. Бу гап Маҳфиратга мойдай ёқиб тушади. У аёлга бу масалани ҳал қилиб беришини, эвазига қуруқ қўймаслигини билдиради. Шундан сўнг нотаниш аёл Маҳфиратни университетга бошлаб боради. У ерда Одилжон исмли бегона йигитни Маҳфиратга таништиради. Одилжон университетда ўқитувчи бўлиб ишлашини айтиб, келишолса диплом нақд эканини айтди.

Ишнинг бу қадар силлиқ кечиши Маҳфиратни қувонтириб юборди. Одилжон кўзига гўё сеҳргардек кўриниб кетди.

Шу куни истироҳат боғидаги қаҳвахоналардан бирида бафуржа гаплашиб олишди. Маҳфират эртасига худди шу ерда ўзи мутлақо танимайдиган шахсдан Бобур номидаги Андижон Давлат Университетини тамомлагани ҳақидаги 190815-сонли, 16397 рақам билан рўйхатдан ўтган, ўзи номига берилган қалбаки дипломни сотиб олди. Шундан сўнг ундан ноқонуний равишда фойдалана бошлади. У ана шу қалбаки диплом билан Наманган шаҳридаги 60-сонли болалар боғчасида тарбиячи вазифасида 2002 йил 3 сентябрга қадар, яъни Наманган шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими ходимлари томонидан унинг жиноий ҳаракатига чек қўйишгунгача тарбиячи бўлиб ишлаб, маош олиб келган. 1999 йилнинг 18 октябридан 2000 йилнинг 16 апрелига қадар 21341 сўм иш ҳақи, қолаверса, 2000 йилнинг 17 апрелидан 20763 сўм билан декрет таътилига чиққан. Шунингдек, фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақа ҳам олган. Шу тариқа М.Ворисова жами 141249 сўм ноқонуний ҳисобланган иш ҳақини ўзлаштирган.

Боғча мудираси М.Сарбоева дипломнинг қалбакилигини сезмаган. Ҳужжатни қонуний ҳисоблаб, М.Ворисовани ишга олган. Суриштирув давомида Наманган шаҳар прокуратураси томонидан Андижон Давлат университети ректорига алоқа хати ёзилди. Унда ушбу диплом кимга берилганини аниқлаб бериш сўралганда, университет ректори С.Зайниддинов имзоси билан олинган жавоб мактубида 190815 рақамли диплом университет томонидан умуман қайд этилмагани, лекин 16397 рўйхат рақамли диплом Исмоилова Зулхумор Абдурахимовнага тегишли экани билдирилган.

Маҳфират икки нафар гўдаги билан ёлғиз туради. Уларга ҳам оталик, ҳам оналик қилиш ёлғиз унинг зиммасида. Эҳтимол, Маҳфират икки нафар болани боқиш, рўзғор ташвиши елкасида бўлгани учун ҳам шундай осон йўлни танлагандир, деган фикрга боради киши. Лекин ҳалол меҳнат билан ҳам бунинг уддасидан чиқиш мумкин эдику?! Пешона тери билан кун кечириш наҳотки Маҳфират учун мушкул савдо бўлса? Наҳотки, ўз хатти-ҳаракати билан нафақат жамият балки фарзандлари тарбиясига ҳам салбий таъсир этишни англамаган бўлса?!

Суд М.Ворисованинг айбига иқрор бўлганини, афсусда эканини, болаларини ёлғиз ўзи парвариш қилаётганини, оилавий шароити оғирлигини ҳисобга олиб, жазони бироз енгилроштирди. М.Ворисовага содир этган жинояти учун энг кам иш ҳақини 10 баробари миқдорида жарима тайинлади. Хуллас, қинғир ишнинг қийиғи чиқди ва у М.Ворисова учун бир умрга татигулик сабоқ берди.

Ҳотам ШОДИБОЕВ,
ҳуқуқшунос



Тиниқлик

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

НИҚОБЛАНГАН "ДЎСТЛИК"

СУД ОЧЕРКИ

Чортоқлик Эргашхўжа Абдусаматов Наманган Давлат университети қошидаги бизнес мактабида ўқий бошлагач, шу ерлик Авазбек Абдувалиев билан дўстлашди. Аммо бу икки йигитнинг дўстлиги узоққа чўзилмади. Аксинча, икки ўртадаги дўстлик ришталари даҳшатли фожиа билан якун топди. Унинг тафсилотини судда берилган кўрсатмалар асосида баён этишни лозим топдик.

— Аваз бек талабалар ётоқхонасига тез-тез келиб турарди, — дейди судланувчи Эргашхўжа Абдусаматов, — у билан бундан икки ойча илгари танишган эдик. Шу йилнинг 2 май куни Аваз бек соат 12 лар чамасида менинг ўқиш жойимга келгач, кечгача шаҳардаги истироҳат боғи ва хиёбонларни айландик. Тунги соат 10 ларда қишлоққа кетмоқчи бўлдим. Чортоқдан қишлоққача ҳам анча йўл юришим керак. Биз томонга қатнайдиган машиналар бўлмади. Аваз бекнинг таклифи эсимга тушиб, уларнинг уйида тунаб қолиш учун бордим.

"Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан" деган халқ нақли бор. Унинг замирида олам-олам мазмун мужассам. Киши мусофирчиликда ўз ота-онаси, ака-укалари, яқинларидан йироқда ҳаёт кечиради. Яхши ва ёмон кунларни ўз бошидан ўтказади. Турли феъл-атворли одамлар даврасида бўлади. Эргашхўжа Абдусаматов ҳам мусофирчиликнинг оғирингил томонларини бошдан ўтказиб, Аваз бек Абдувалиев каби дўст-биродарларини орттиришга улгурди. "Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди" дегани рост гап. Мана, дўст туфайли Эргашхўжа ярим тунда кўчада қолиб кетмади. Унинг уйида боши ёстиққа тегиб, оёғини чўзиб ётибди. Аммо бу "меҳмон"га камлик қилаётгандек эди.

— Нафас олишим қийинлашиб, чўчиб уйғондим, — дейди жабрланувчи Аваз бек Абдувалиев, — Назаримда, кимдир мени бўйнимдан маҳкам бўғаётгандек бўлди. Эргашхўжа ҳали ухламаган экан. Ундан "нима қилаяпсан" деб сўрадим. У "дарвозани кимдир тақиллатяпти, сени уйғотмоқчи бўлдим" деди. Бошим қаттиқ оғриётган эди. Эргашхўжанинг ножўя ҳаракатларига унча аҳамият бермабман.

— Мен бир ҳафта устаникида ётиб ишлайман, — деди тонг отгач, хайрлашиш олдидан Аваз бек ўз дўстига.

— Мен қишлоққа бориб келаман, — деди унга жавобан Эргашхўжа.

Аммо унинг дилида бошқа бир мақсад яширинган эди.

Атроф қоронғулаша бошлади. Аваз бек яшайдиган уй дарвозасини кимдир тақиллатиб қолди. Эшик илгагини очган Моҳира опанинг кўзи Эргашхўжага тушди.

— Холажон паспортимни унутиб қолдирибман, — деди йигит, — Ётган жойларимни қараб чиқсам майлими?

— Майли, ўғлим, — деди онахон, — аммо жойларингизни йиғиштираётганимда ҳеч нарсага кўзим тушмади.

Эргашхўжа хона токчаларини ёлғондакам титкилаб, паспортини ахтаргандек бўлди. Аммо кўнглидаги ниятини юзага чиқаришга журъат қила олмади. Орадан икки соатча вақт ўтди. Эргашхўжа яна Моҳира опани безовта қилди.

—Уйимизга кетолмаяпман, — деди Эргашхўжа, — паспортим ҳеч қаерда йўқ. Балки хаёл билан жаннинг тортмасига қўйдиммикан?!

Паспорт йўқолмасдан аввал йўқ эди. Буни содда Моҳира Жумабоева ҳатто хаёлига ҳам келтириб кўрмади. Чунки Эргашхўжа ўғли Аваз бекнинг энг яқин ўртоқларидан бири. Ўғлининг айтишича, Эргашхўжанинг дадаси ёшлигида оламдан ўтган. Онаси бечора ўзи емай, ўзи киймай болаларини тарбиялаб вояга етказяпти экан. Шундай экан, қандай қилиб, унинг кўнглида бировга ёмонлик бўлиши мумкин?!

Паспорт топилмади. Эргашхўжанинг "тарвузи" яна қўлтиғидан тушиб ортига қайтди. Эргашхўжа Аваз бекларникига "паспорт ахтариб" учинчи бор ярим тунда ҳамма маст уйқуда бўлганида келди. Бу гал у дарвозани тақиллатиб ўтирмади. Аксинча, газ трубасига осилиб, дераза орқали болахона уйига кириб олди. У ерда бир соатча сигарет тутатиб, вақтни ўтказди. Сўнг ҳовлига тушиб, ошхонага кирди. У ердан пичоқ ва кир иладиган арқон олди. Шу пайт ташқарига чиққан уй бекасининг кўзи қоронғуликда турган кимсага тушди. Аёл овозининг борича додлай бошлади. Вазият ўта нозик ва қалтис эди. Шунда кўзлари қонга тўлган йигит ўз дўстининг онасига ҳамла қилди. Мушти билан аёлнинг юзига кетмакет урди. Бу ҳам етмаганидек, қўлидаги пичоқни ишга солди. Аёл жон ҳолатда баттар қичқира бошлади. Қотил онанинг овозини ўчиришнинг бирдан бир йўлини танлади. Чўнтагига солиб олган арқонни жувоннинг бўйнига солиб бўғди. Аёл ҳолдан тойиб, ерга юзтубан йиқилди.

— Катта хонани роса титдим, — дейди судланувчи Эргашхўжа, — Аммо у ердан ҳеч нарсани тополмадим. Латталар устига бензин қуйиб, сўнг гугурт чақдим.

"Бир маротаба туз ичган жойга, минг бор салом бер", деган халқимизнинг ҳикматли мақоли бор. Балки бу сўзларни Эргашхўжа билар, балки бу сўзлар унинг учун умуман ётдир. Аммо Эргашхўжа бир маротаба туз ичган хонадонига салом бермоқ тугул инсон зоти учун умуман бегона бўлган ишни амалга оширди. Қотил ушбу даргоҳдан қуруқдан-қуруқ чиқиб кетгиси келмади. У танаси музлаб бораётган аёлнинг тепасида пайдо бўлди. Жувоннинг бўйнидаги тилла занжир ва бир дона тилла зирагини ечиб олди ва майитнинг устига бензин сепиб, ўт ёқди.

— Онам Г.Қосимов кўчасида яшайди, — дейди гувоҳ Сайфиддин Зокиров, — ҳар кун тонг саҳарлаб у кишининг олдига бориб, ҳол-аҳвол сўраб қайтаман. 4 май куни чамаси соат 5 ларда М.Жумабоеванинг уйи олдидан ўтаётиб, кўча дарвозаси очиқ қолганини, ичкари уй ёнаётганини кўриб қолдим. Даҳлизда касал бўлиб ётган юролмай қолган кампирнинг олдига кирганимда ёнғин аллақачон даҳлизга ўтиб, кампир ётган каровотга яқин келиб қолганди. Хона тутунга тўлиб бўлган, нафас олиш қийин эди. Ёрдамга кўшни йигитлардан бири келиб қолди. Иккаласи уни ташқарига олиб чиқдик.

— Моҳира ўттиз йил ўрта мактабда ўқитувчилик қилди, — дейди марҳуманинг турмуш ўртоғи Абдурашид Абдувалиев, — Унинг ўзига яраша маҳалла-қўйда ҳурмат-эътибори бор эди. Қайнонам инсульт бўлиб, уч-тўрт йилдан бери тўшакка ётиб қолди. Қиз бола ўз онасига меҳрибон бўлади-да. Оилам қайнонамнинг иссиқ-совуғидан, ётар-турадиган ўзи хабардор бўларди.

Турмуш ўртоғимнинг ҳаётда орзу-ҳаваслари кўп эди. Шунинг учун у тилла бозорига чиқиб, тилла тақинчоқлар савдоси билан шуғулланарди. Шу йилнинг 30 май куни оилам 50 ёшга тўлиши муносабати билан юбилей қилмоқчи эдик. Афсус, бахтга қарши турмуш ўртоғимдан фожеали тарзда ажраб қолдик.

Ушалмаган орзулар... Моҳира Жумабоеванинг ҳаётда эришолмаган ниятлари бисёр эди. У ўрта мактабда ўттиз йил ёшларга сабоқ берди. Энди набиралари даврасида хузур-ҳаловат кўрмоқчи эди. Қанчадан-қанча орзуларга бир йигит яқун ясади. Ахир, унинг ҳам онаси, олам-олам орзу-ҳаваслари бор-ку?!

— Ўғлимнинг қандай қилиб жиноят кўчасига кириб қолганига ақлим етмаяпти, — дейди Эргашхўжанинг онаси Махфуза Абдусаматова, — унга ҳафтасига уч-тўрт минг сўм пул бериб турардим. Қайси она ўз ўғлини ёмон бўл, деб тарбия беради дейсиз?! Турмуш ўртоғим 1992 йили оламдан ўтди. Беш нафар фарзанднинг тарбияси ўзимга қолди. Эргашхўжа уларнинг энг кичиги эди. У ўқишга қизиқиб, Наманганга келган эди. Агар боламнинг тақдири шундай бўлишини билганимда, уни аллақачон қишлоққа олиб кетган бўлардим.

Фалакнинг гардишини қарангки, ҳаётда тоғ-тоғ билан эмас, одам-одам билан учрашар экан. Мазкур жиноят иши юзасидан бўлиб ўтган суд мажлисида "дўстлар" яна дийдор кўришди. Бироқ бири судланувчи, иккинчи эса жабрланувчи сифатида... Албатта, суд Эргашхўжага тегишли ҳақ тайинлади. Лекин қалбларидаги армонни йўқотишнинг иложи бормикан? Наҳотки, Эргашхўжа нафси учун ўз ҳаётини барбод қилди? Афсуски, бу саволларга жавоб топиш жуда-жуда қийин.

Олимжон КАТТАХЎЖАЕВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Nadomat

Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг масъул ходими Жўрабой Ғайбуллаевга падари бузруквори *УСМОНҚУЛ отанинг* вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси жамоаси тахририятнинг Хоразм вилояти бўйича мухбири Абдулла Собировга отаси *СОБИР отанинг* вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Alhazar

МАРҲУМЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Марҳумлар ҳақида ёмон сўз демаслик, улар ҳақига хиёнат қилмаслик инсонга хос фазилат саналади. Бу ҳақда муқаддас китобларда ҳам кўп айтилган. Бироқ ҳаётда ана шу инсоний ақидаларга хиёнат қилувчи кимсалар ҳам бор экан. Қуйидаги воқеа ана шундай жирканч қилмиш ҳақида.

2001 йилнинг баҳорида Беруний туманидаги Шимом овулида яшовчи Гулбаҳор ва Ойзода исмли келинлар ўғил фарзандли бўлишди. Гулбаҳорлар ойласи янги фарзандга Илҳом, Ойзодалар ойласи эса Аҳрор деб исм қўйишди. Аммо бахтга қарши уларнинг умрлари қисқа экан: Аҳрор 4 дек